


АДҲАМ РАҲМАТ

БРЕСТ  
ЛАВҲАЛАРИ

Ўзбекистонлик жангчиларнинг  
брест қалъасида кўрсатган  
қаҳрамонликлари ҳақида лавҳалар



2622

10. 9(652)2  
Ю ————— Р 3391

ҒАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ  
БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1966.

Сиз ёзувчи Адҳам Раҳматнинг Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ҳаётидан ёзган очерк ва лавҳалари билан яхши танишсиз. Уларнинг баъзилари окопларда ёзилган. Ватан учун олиб борилган жангларда қалам ва қурол билан иштирок этган ёзувчи Адҳам Раҳмат қуролдош дўстлари, ўзбек жангчилари хотирасини тиклаш йўлида қутлув ишлар қилмоқда. У шу ниятда мамлакатимизнинг кўп жойларида бўлди. Фронтда беиз йўқолган, халқ бахт-саодати йўлида жон фидо этган баҳодир йигитлар, жасур қизлар изини топиб, уларнинг жанговар ишлари тўғрисида сиз ва бизларга ҳикоя қилиб беради. Яқинда ана шундай қаҳрамонлардан яна бир групласини топди. Булар афсонавий Брест қалъасининг ҳимоячилари — мард ўзбек йигитларидир.

Қўлингиздаги китоб ана шулар тўғрисида ҳикоя қиласи. Үқинг, балки бу қаҳрамонлар сизга ҳам танишдир. Эҳтимол бирга жанг қилгандирсиз, эҳтимол туғишганларингиздир.

## **УНУТИЛМАС ХОТИРАЛАР**

Кўпчилик китобхонлар Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларида гитлерчи фашистларнинг даҳшатли ҳамласига қарши қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатган Брест қалъасидаги совет жангчиларининг шон-шуҳратини яхши биладилар. Улар «Ўлмас гарнizon» кинофильмини, «Буг устидаги қалъа» пьесасини кўрганлар ва ёзувчи Сергей Смирновнинг Давлат мукофотига сазовор бўлган «Брест қалъаси» номли машҳур асарини ўқиганлар. Бу асарлар фашист қўшинлари томонидан ўраб олинган Брест қалъаси қаҳрамонларининг довюраклиги, матонати ва шуҳрати ҳақида ҳикоя қиласди.

Хужжатлардан маълум бўлишича, Брест қалъаси ҳимоячилари сафида анчагина ўзбекистонлик жангчилар ҳам бўлган. Мен улар ҳақида материал тўплаш мақсадида Брест қалъасига бордим. Бу қалъанинг мудофаасини Одесса, Севастополь, Ленинград ва Сталинград каби қаҳрамон шаҳарларнинг мудофааси билан тенглаштириш мумкин.

Совет кишиси ва совет жангчисининг Улуғ Ватан уруши йилларида жуда аниқ ва равшан намоён бўлган ажойиб фазилатлари чиндан Брест қалъаси ҳимоячиларининг мардонавор ишларида ўз аксини топди. Шу сабабдан «Брест қалъаси» деган икки оғиз сўз совет киши-

ларининг қаҳрамонлик рамзи бўлиб қолди. Бу қаҳрамонлик — халқ қаҳрамонлигининг энг юксак чўққиларига тенглашди. Шунинг учун бу қалъа ҳимоясини қаҳрамон шаҳарлар ҳимоячиларининг шон-шуҳратига тенгластириш мумкин.

Душманнинг қуршовида қолган, устига ёмғирдек бомба ва снарядлар ёғилиб турган Брест қалъаси чиндан ҳам худди Одесса ёки Севастополь сингари эди.

Аммо бу қаҳрамон шаҳарлар ҳар соатда, ҳар дақиқада турли йўллар орқали, бутун мамлакат билан алоқа боғлаб турган бўлсалар, қалъа ҳимоячилари бу нарсадан тамоман маҳрум эдилар. Қалъа ташқи дунёдан бутунлай ажralиб қолган эди.

Қуршовда қолган бошқа шаҳарларга самолётлардан ўқ-дори, озиқ-овқат ташлаб ёрдам кўрсатилгани ҳолда, Ватанимиз ҳатто қалъа ҳимоячиларининг қандай кураш олиб бораётганидан бехабар эди.

Ажалнинг юзига тик боқиб туриб ҳалок бўлиш осон гап эмас. Бунда сен ном-нишонсиз бир қаҳрамондек ҳалок бўлиб кетаверасан. Сенинг кўрсатган қаҳрамонликларинг ҳеч бир кимсага маълум бўлмай қолиб кетади. Бу эса ҳамма нарсадан ҳам оғир эди.

Брест қалъаси қаҳрамонлари шон-шуҳрат учун эмас, балки ер юзида барқарор ҳаёт учун жон фидо қилган азаматлар эди. Улар ўз қаҳрамонликларидан ҳеч қандай из қолдирмай қалъа тошлари орасида ҳалок бўлган оддий жангчилар эди. Қалъа ҳимоячиларидан омон қолган озгина кишилар эса урушдан сўнг бепоён Ватанимизнинг турли бурчакларига тарқалиб кетганлар.

Брест қалъасининг мудофааси ҳақида кейинги вақтларгача маълумотларнинг камлигига турли ҳодисалар сабабчи бўлиб келди. Аммо қидиришлар ва изланишлар натижасида сўнгги йилларда бир қадар маълумотлар жамлашга муваффақ бўлинди.

Ҳозир қалъа қаҳрамонларидан баъзилари ўз эсадликлари ва кўрган-кечирганларини сўзлаб, одамларни ҳайратга солмоқдалар. Баъзи материаллар эса қалъа харобалари остидан топилиб ишга солинмоқда.

Буг устида қалъа...

У, она-Ватанга садоқат, қаҳрамонлик рамзи сифатида Ватанимизнинг гарбий чегарасида шон-шуҳратга чўмган ҳолда турипти. Бу ерда, қонли жанглар бўлиб ўтган жойда, Брест қалъасининг қаҳрамонона ҳимояси музейи қад кўтарган. Музейдаги ёдгорликлар совет кишиларининг жасоратини ҳикоя қиласди.

Мен музейда сақланаётган ҳужжатлар орасида ўзбекистонлик жангчилар ҳақида кўпгина материаллар топдим. Брест қалъасида гитлерчиларга қарши қаҳрамонона жанглар қилиб тирик қолган командир ва жангчиларнинг хотиралари қўйидагича:

Брест воқеасининг шоҳиди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Петр Михайлович Гаврилов қўйидагиларни ҳикоя қиласди:

— 1941 йилнинг 22 июнь куни, яъни уруш бошланган кун ҳеч қачон хотирамдан чиқмайди. Субҳидамда мен снарядларнинг портлашидан чўчиб уйғондим. Менинг қўйл остимдаги 44-ўқчи полки ўқ ёмғири остида қолди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда тўп ўқлари портлар, одамлар ҳар томонга югуришар эди. Мен штабга етиб келганимда, ичкарига киришнинг иложи қолмаган, бино ўт-аланга ичида эди. Мен ўз қисмимиздан йигирма бештacha жангчини аранг топиб, қалъанинг шимолий дарвозасидан чиқиш ва шаҳарнинг чеккасига етиб олишга ҳаракат қилдим. Биз жанговар тревогада шаҳар чеккасини мудофаа қилишимиз керак эди. Аммо белгиланган жойга етиб боролмадик. Чунки, атрофимиз гитлерчилар билан қуршалган эди.

Уша дақиқаларда қалъанинг шимолий дарвозаси

ёнида беш юзга яқын одам тұпланды. Бу ерда офицерлар кам бүлишига қарамай, биз рота ташкил қилиб, командирлар тайинладык ва мудофаага киришдик. Тахминан әрталабки соат олтиларда фашистлар шимолий дарвозаның ғарбий қисмидан бизга ҳужум бошлады. Жаңчиларимиз душман билан қаҳрамонона жанг қилди. Лейтенант Яковлев бошлиқ пулемётчилар группаси сүнгги нафасигача шарқий дарвозани мудофаа қилди. Лейтенант қорнидан ярадор бүлгандада ҳам курашни давом эттирди. Мен сержант Родион Семенюкнинг душман солдатлари қуршовида 379-зенит дивизиясининг жанго-вар байроғини қандай яширганини яхши хотирлайман. Бу жасорат бошқаларни ҳам қаҳрамонликка ундар эди. Фашистлар ўнлаб ўлук қолдириб, чекинишга мажбур бўлди. Орадан ўн беш йил ўтгач, Семенюк жанговар байроқни ўзи яширган жойидан топди. У байроқ ҳозир ҳарбий маҳорат рамзи сифатида музейда сақланмоқда.

Қалъанинг зенитчилари биринчи ғалабани таъминлайдилар. Улар ўз қуролларининг кучини ва маънавий афзаллигини жанг майдонида исбот этдилар.

Биз қалъанинг шарқий қисмida жанг қилар эканмиз, қалъа марказида ҳам жанглар қизғин давом этарди. Кейинчалик мәълум бўлишича, у ерда капитан Зубачев ва полк комиссари Ефим Фомин бошлиқ группа жанг қилган экан.

Қалъа чор томондан қуршаб олинган эди. Душман айрим жойларда мудофаани ёриб ўтишга ва қисмлар ўртасидаги алоқани узишга эришди. Бу ҳол қисмларни бошқариш ишларини қийинластирди.

23 июнь куни душман артиллерияси қалъани тўпга тутди, осмондан бомбардимон қилди. Ой охиригача ахвол шундай давом этди деса бўлади.

29 июнь куни гитлерчи қўмондонлик радио орқали бизга мурожаат қилиб, таслим бўлишни таклиф этди:

«Қаршилик күрсатиш фойдасиз. Таслим бўлинг, оқ байроқ кўтариш. Музокара олиб бориш учун бир соат вақт берамиз, акс ҳолда сизларни ер билан яксон қиласмиз...»

Аҳвол оғир эди. Биз кўп куч йўқотдик, озиқ-овқат запаслари тугади. Энг оғир дақиқаларда очиқ партия мажлиси ўтказишга тўғри келди. Мажлиса комсомоллар ва партиясизлар қатнашдилар. Кун тартибида, бундан кейин нима қилиш керак, деган масала турарди. Қарор ёзилмади. Ҳар ким ўз фикрини айтди: «Ўламиз, аммо таслим бўлмаймиз!» Қалъа деворлари ёнида сўнгги нафасгача фашистларга қарши курашишга қасамёд қилдик.

Партия мажлиси тамом бўлмасданоқ жангга сигнал берилди. Гитлерчилар яна ҳужумга ўтдилар. Жангчилар истеҳкомлардан жой олди, фашистларнинг ҳужуми даф қилинди. Бундай ҳол ҳар куни бир неча бор такрорланиб турди.

Ўшандан буён ўн тўққиз йил чамаси вақт ўтган бўлса-да, жангчиларимиз кўрсатган қаҳрамонона кураш ва жасорат кўз ўнгимиздан сира кетмайди. Улар тарих саҳифаларига ўчмас сатрлар билан ёзилган.

Қалъа гумбазлари ва деворларида қаҳрамон жағчилар томонидан ёзиг қолдирилган эсдаликлар ҳозир ҳам сақланиб қолган. Мана, улардан бири — қалъа бутхонаси деворига ёзилган хат: «Биз, Жунчав, Степанчиков, Иванов уччаламиз москвалик эдик. Бу ердан бир қадам ҳам чекинмасликка аҳд қилдик. 1941 йил, июль». Ундан сал пастроқда эса: «Жунчав ва Степанчиков ҳалок бўлди. Фашистлар бутхонага яқинлашмоқдалар. Сўнгги граната қўлимда, тириклий қўлга тушмайман. Ўртоқлар, биз учун қасос олингиз! 1941 йил, июль», деган сўзлар ёзилган эди. Мен, қорнидан ярадор бўлган жангчининг ўлим олдида ўз қони билан деворга: «Ватан учун

ҳалок бўлмоқдаман», деган сўзларни ёзганини кўрганман.

«Мен жангчилар билан Брест қалъасида ўттиз икки кун фашистларга қарши курашдим. Энг охирида уч киши қолдик: мен, битта чегарачи ва Аюпов исмли жангчи. Ярим оч, яланғоч ва бир ойлик жангдан тинкамиз қуриган ҳолда, душман пистирмалари орасидан ёриб Беловодск ўрмонига етиб олиш ва у ерда партизанлар билан қўшилиб, курашни давом эттириш учун ҳаракат қилдик. Аммо бунга муваффақ бўла олмадик.

Ҳадемай ўзим ёлғиз қолдим. Ярадор ва ҳушдан кетган ҳолда фашистлар қўлига тушибман».

Брест қалъасининг турли миллат жангчиларидан иборат қаҳрамон ҳимоячилари гитлерчилар қўшинига қарши бир ойдан кўпроқ кураш олиб борди. Қалъа ер билан яксон қилингандан кейингина фашистлар унинг харобаларига кира олдилар. Аммо гарнizonda қўлига қурол ушлашга лаёқати бўлган бирорта ҳам тирик жон қолмаган эди.

\* \* \*

125-ўқчи полки, сапёрлар ротасининг собиқ командири Павел Егорович Сиваков «Ўзбекистонлик жанговар дўстларим» деган эсдалигида бундай деб ёзган:

— 1940 йили Минскдаги пиёдалар ҳарбий мактабини тамомлаганимдан кейин ҳарбий хизмат вазифасини ўташ учун мени Брест қалъасига хизматга юбордилар. У ерда қизил байроқли 6-ўқчи дивизиясининг 125-ўқчи полки сапёрлар ротасига командир қилиб тайинландим. Рота составида турли миллат жангчилари: руслар, белоруслар, украинлар, ўзбеклар, қозоқлар, яҳудий ва бошқа миллат йигитлари бўлиб, улар бир-бирлари билан жуда иноқ, худди бир оиласининг боласидек әдилар. Ҳар бир

солдат ва командир ҳарбий машқ вақтида ҳар қандай оғирликларга бардош бериб, топширилган вазифани бажарышга тайёр турады. Таълим машқида яхши күрсаткичга эришгани учун ротамизга юқори баҳо берилиб, кўпгина жангчиларга қимматли мукофотлар топширилди ва полкнинг жанговар байроғи остида суратга туширилди. Энг асосий нарса ҳар бир жангчининг ўз ватанпарварлик бурчига яхши тушунган ҳолда ҳаракат қилиб, ҳар қандай шароитда ҳам ва ҳатто ўлим хавфи туғилганда ҳам Ватан олдидаги ўз бурчини бажарышга, энг оғир дақиқаларда ўз ўртоғига ёрдам беришга тайёр туришида эди. Суворовнинг: «Ўзинг ҳалок бўлсанг ҳам, ўртоғингни қутқариб қол!»,— деган сўзлари ҳарбий тайёрлик ва кейинчалик уруш даврида ҳам биз учун ўзгармас қонунимиз бўлиб қолди.

1941 йилнинг ёз ойлари бошида Брест гарнизонининг баъзи қисмлари, жумладан, бизнинг полкимиз ҳам ёзги лагерга жўнаб кетди. Бизнинг ротамиз дала шароитида портлатиш ишлари юзасидан олган амалий билимларини такомиллаштириш, ўт очиш нукталари қуриб чегарани мустаҳкамлаш ва бошқа ишлар билан банд бўлди. Ротадаги ўзбек жангчиларидан Ҳожиев, Бойдавлатов, Иброҳимов, Исмоилов, Ҳасанов, Боқи Сулаймонов, Ёқуб Сафаров ва Аваз Неъматоловлар сингари комсомол аъзолари ўзларининг меҳнатсеварликлари, ташаббускорликлари ва интизомлиликлари билан бошқалардан ажралиб турардилар. Иброҳимов билан Исмоилов эса, бундан ташқари, актив жамоатчи ҳам эдилар. Ўзларига топширилган ишларни астойдил бажаар, дам олиш соатларида эса солдатларни хушнуд қилиш учун ўйин-кулгига ҳам вақт топадиган шўх йигитлар эди.

1941 йил 21 июнга ўтар кечаси мен лагерда масъул навбатчи эдим. 22 июнь якшанба куни лагерда катта спорт мусобақалари ва ўйинлари ўтказиш мўлжаллан-

ган эди. Бунинг учун жангчи ва солдатлар кечқурун спорт майдончалари тайёрлаш ишларига киришдилар ва ўғазиладиган спорт мусобақалари турларида қўлга киритиладиган ютуқлар тўғрисидаги ширин ўй-хәёллар билан тунги оромга бош қўйдилар. Аммо саҳар пайтига яқин, қалъя ичida ва унинг атрофида авиабомбаларнинг даҳшатли портлашидан, артиллерия садоларидан бирданига уйғониб кетдилар. Нималар содир бўлаётганини дастлабки минутларда ҳеч кимса англамас эди. Навбатчи бўлганим учун мен тездан телефон орқали қалъя билан алоқа боғладим ва бутун қисмни оёққа турғиздим ҳамда буйруқни жангчиларга маълум қилиб, тезлик билан қалъага етиб келиш тўғрисида буйруқ олдим:

— Уруш бошланиб қопти...

Менинг ротам қалъага келадиган йўлда, Волинка қишлоғида фашист босқинчиларига дуч келди. Шу пайт қишлоқ ўт ичida ловиллаб ёниб ётар, ҳамма ари уясидек тўзиган, болаларини тури шаклда кўтариб олган ярим яланғоч хотин-халажлар автомат ўқларидан жон сақлаб қолиш учун ўзларини ҳар томонга уради. Жон сақлайдиган жой топиш амири маҳол эди. Жанг олови тобора қизир, сапёрлар кўкрак кериб қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатарди. Бирорта ҳам солдат душман олдида қалтираб қолмади. Оддий аскар Ҳожиев билан сержант Смирнов бу оғир жангда биринчи бўлиб қаҳрамонлик кўрсатдилар. Улар баланд-пастлик жойларга яшириниб, бир амаллаб фашист автоматчиларининг орқа томонига ўтиб олдилар-да, душман устига граната улоқтира бошладилар. Бу ҳол жанг натижасини тезда ҳал қилди. Душман солдатлари ўртасида юз берган парокандалик босқинчиларни қишлоқдан суриб чиқаришга имкон берди.

Биз қалъага етиб келганимизда қизғин жанг давом этарди. Қалъанинг жанубий дарвозаси яқинида фашист-

лар бетүхтов ўқقا тутиб турган майдондаи биз тезлик билан ўтиб олдик. Лекин 125-ўқчи полкнинг санитар қисмига яқин жойдаги дарё кўприги олдида яна бир тўсиқقا дуч келдик. Бу ерда фашистлар дарё бўйидаги буталар орасида яширип позицияларни эгаллаб олиб кўприка яқинлашган ҳар бир кишини пулемётдан ўқча тутарди.

Басма-бас кураш қизиди. Младший сержант Селиванов билан оддий аскарлардан Исмоилов ва Нематоловлар ғазаб отига миниб, душманнинг пулемёт нуқтасини йўқ қилиб ташлаш учун ўз ихтиёрлари билан майдонга чиқдилар ва солдатларга хос моҳирлик, ғайрат ва шижоат кўрсатиб душманнинг пулемёт уясига яқинлашиб бордилар ва унга қарата граната ирғитдилар. Пайдарпай отилган гранаталар тўғри мўлжалга бориб тушиб, пулемётнинг овозини ўчирди. Шу билан ротамиз тез-тез юриб кўпридан ўтиб олди. Бу жангда жасур младший сержант Селиванов ҳалок бўлди. Жангчилар: «Юрагимиз урад экан, қўлдан қуролни ташламаймиз!», «Тиз чўкиб яшагунча, тик туриб курашамиз ва Ватан учун қурбон бўламиз!» деган шиор билан ёвуз душман устига арслондай ёпирилдилар.

Йўлда яна ана шундай қийинчиликларга дуч келиб, ниҳоят қалъанинг шимол томондаги дарвозасига етиб олдик.

Турли қисмлардан келган бир қанча жангчилар бу жойда капитан Шабловский командаси остида мудофаа позицияларини эгаллаб турардилар. Лагердан чиқсан бошқа бўлинмаларнинг жангчилари ҳам шу жойга оқиб кела бошладилар. Жанг давомида шошилинч равишда тўртта рота тузилди ва бу роталар олдига фашистларни қалъага йўлатмаслик вазифаси қўйилди. Биз мудофаа қилиб турган жойга душман бир неча бор атака қилишга уриниб кўрган бўлса-да, аммо унинг бу уринишлари ҳар сафар барбод бўлаверди. Шимолий дарвоза ёнидаги

ташқи ғовларни мудофаа қилаётган қаҳрамонлар қаторида ўзбек халқининг фарзандларидан Ҳожиев, Бойдавлатов, Иброҳимов, Исмоилов, Сулаймонов, Сафаров, Нематов ва бошқалар ҳам мардонавор жанг қиласидарлар.

Фашист босқинчилар жангчиларимизнинг қаршилигини енгиш учун турли-туман ҳийла-найрангларни ишга солдилар: радио репродукторлар орқали: Минск, Орша, Могилёв, Витебск, Смоленск немислар қўлида, немис дивизиялари Москвага яқинлашиб қолди, деб жар солар, қурол-яроғларни топширишни таклиф қиласидилар. Таслим бўлганларнинг ҳаёти сақлаб қолинади ва асир тушганларга яхши шароит яратиб берилади, деб ваъда қиласидилар. Аммо Брест мудофаачиларининг бирортаси ҳам душманнинг найрангига учмади, уларнинг тазиикига қарши борган сари қаттиқ қаршилик кўрсатаверди.

Бироқ, куч жиҳатидан устун турган ва замонавий яроғ-аслаҳалар билан қуролланган душманга қарши чидам бериш кун сайин оғирлашиб борди. Устма-уст қийинчиликлар туғилаверди. Айниқса сув танқислиги жуда қийнаб қўйди. Сувни кечалари ташиб келтирилар, шунда ҳам жуда оз миқдорда олиб келинар эди. Озиқ-овқат запаси ва дори-дармон ҳам тугаб қолди. Ҳар куни ўнлаб солдат ва офицерлар ҳалок бўла бошлади. Ана шундай мушкул аҳволда ҳам қалъа ҳимоячиларининг руҳи сира тушмади, аксинча, жангчиларимизнинг кучига куч қўшилаверди.

Кунлардан бир кун фашистлар қалъанинг шимолий дарвозаси ёнида катта куч тўплай бошлади. Артиллерия ва миномётлардан тинимсиз ўт очиб мудофаа участкамизга атака қилди. Беш танк олдинда, улар орқасидан бир группа автоматчилар ёпирилиб келарди. Бу ҳол бизникларни сирайм чўчита олмади. Биз артиллериядан қаттиқ ўт очиб, олдинда келаётган танки ёндириб

юбордик. Шунда душман атакаси бир лаҳза тўхтаган бўлса-да, бир оздан кейин яна қутуриб, янгидан бизга ташланди. Икки орада жанг ҳаддан ташқари қизиб кетди. Аммо қалъанинг қаҳрамон ҳимоячилари душман танкларини чалғитиб, унинг кетида келаётган автоматчиларни қириб ташлаш учун қарши атакага ўтади ҳамда душманнинг ҳужумини дадил туриб, усталик билан қайтаради.

Шу жангларда ўзбек жангчиси Иброҳимовнинг кўрсатган қаҳрамонлиги ҳали-ҳали эсимда. Бошқалар қаторида у ҳам танкка чап бериб ўтиб, автоматчиларга қарши қўл жангни бошлаб юборади. Эпчил найзабозлик жангидаги тўртта фашистни ер тишлатиб қўяди, энди бешинчисига навбат келганда душманнинг ვაҳарли ўқи қаҳрамонни бевақт ҳалок этади.

Шу шиддатли жангда Ҳожиев, Бойдавлатов, старший сержант Смирнов ва мен ярадор бўлдик. Бу менинг қалъада олиб борган энг сўнгги жангим бўлди. Бошқа ярадорлар билан бирга мени ҳам тунда қалъадан эвакуация қилдилар. Орадан бир неча кун ўтгач, бизлар госпиталда даволана бошладик.

Мен даволаниб чиққанимдан кейин, 20-армия составида, Смоленск томонида яна душманга қарши курашга қўшилиб кетдим. 1942 йилдан бошлаб Белоруссия территориясида, партизанлар отрядида хизмат қила бошладим. Шундан сўнг ўзбек ҳалқининг асл фарзандлари, қалъа мудофаачилари жанговар дўстларимнинг кейинги тақдирлари нима бўлганини билмайман. Фақат Ҳожиевнинг адресини топганимдан кейингина унга хат ёздим ва ёзган хатимга ундан жавоб ҳам олдим.

Улуғ Ватан уруши йилларида совет кишилари ва шу жумладан, ўзбек ҳалқининг фарзандлари кўрсатган қаҳрамонликлари беҳисоб ва бу фидокорликлар ҳалқимиз қалбида абадий жшайди...

\*\*\*

44-ўқчи полк, 120 миллиметрли миномёт наводчиги Илья Петрович Кузнецов «Жонимизни аямадик» деган эсдалигидა:

— Урушнинг биринчи соатидаёқ,— деб ҳикоя бошлайди,— бизнинг батареямиз 44-ўқчи полки 76 миллиметрли биринчи тўпчилар взводининг командири младший лейтенант Щелест бошлиқ душман устига ўқ ёғдира бошлади. Орадан бирмунча вақт ўтгандан сўнг старший сержант Никулин мен билан жангчи Шиманскийга марказий истеҳкомдаги 44-ўқчи полки жойлашган участкага бориб ўқ-дори омборидан кўпроқ милтиқ ўқи олиб, тезроқ ўз бўлинмамизга етказиб келишни буорди. Шундан сўнг икковимиз эсон-омон истеҳкомга етиб бордик ва кўтарганимизча ўқ олдик. Афсуски, биз Никулиннинг жанговар буйругини охиригача бажара олмадик.

Ўқларни кўтариб олиб шимолий истеҳкомга тезроқ етиб бориш учун ошиқиб кетаётганмизда биз ўтишимиз керак бўлган кўприк атрофида душман аскарлари автомат ва пулемётларидан тинмай ўқ ёғдирив турарди. Йўлимиз кесиб қўйилган эди. Натижада, биз ўз бўлинмамиздан ажралиб қолган эдик.

Шиманский икковимиз ёлғиз қолмаслик учун ўша атрофда иш кўриб турган беш кишидан иборат қизил аскарлар группасига қўшилиб олдик. Полкимиздаги ўқчи ротанинг командири лейтенант, старший сержант Кухтени ҳам бу группа билан ўқ-дори олиб келишга юборган экан. Биз, шу группадаги жангчиларга қўшилиб, уларнинг мудофаа пунктига уч яшик милтиқ ўқи, бир яшик граната, бир яшик автомат ва станокли пулемёт ўқи олиб келдик. Жанговар буйруқ бажарилгани ва яна қўшимча кучлар олиб келгани тўғрисида старший сержант

Күхте лейтенантга рапорт берди. Мен бўлсан ўқчи ротанинг командири — лейтенантга, старший сержант Шиманскийнинг ўқ-дори олиб келиш тўғрисидаги буйруғини бажариб қайтиб келаётганимизда бўлинмамизга борадиган йўл душман томонидан кесиб қўйилганини маълум қилдим. Шундан кейин бизни ротага қабул қилдилар. Бундан биз жуда далдаландик ва жонимизни аямай, ҳар қандай буйруқни бажаришга тайёр эканлигимиз учун қасамёд қилдик.


Уруш бошланмасдан сал илгари бу лейтенант (фамилияси ёдимда йўқ) Брест қалъасига тўғри ҳарбий мактабдан келган эди. Лейтенант мени дарҳол бўлинма командири қилиб тайинлади. Топшириқقا мувофиқ биз яна ўқ-дори олиб келиш учун бордик. Вазифаларни аниқ бажарганим учун менинг бўлинмамага биз муҳофаза қилиб турган бинонинг чап қанотидаги участкани мудофаа қилиш иши топширилди. Лейтенантимиз жуда сергак одам эди, бўлинмалардан тез-тез хабар олдириб тургиси келар эди. Бир вақт 333-ўқчи полки биносини кимлар мудофаа қилаётганини билиб келиш учун уч марта алоқачи юборган эди, улардан биронтаси ҳам қайтиб келмади, чунки фашистлар бошда ҳаддан ташқари қутурган, орқа-ўнгига қарамай иш тутарди.

Қалъага ҳужум қилган дастлабки кундан бошлаб улар қалъа ҳимоячиларининг қақшатғич зарбасига учраганликдан аламига чидай олмай қалъани ҳар томондан қуршаб олган, унинг қаҳрамон ҳимоячиларини таслим қилиш ёки батамом қириб ташлаш мақсадида қанчадан-қанча каллакесарларини ташлаган бўлса-да, лекин кўпгина солдатидан, қурол-яроғларидан ажралишга мажбур бўлди, баҳодир совет жангчиларимиз душманинг ҳар қандай зарбасини даф қилаверди. Жанг қизгин давом этиб турган бир пайтда тўсатдан Ғарбий дарвоза томонидан душманнинг бир танки бос-

тириб келаверди. Ғизиллаб келаётган танк башнясини тўғри биз томонга қараб бурди. Шу маҳал бир чегарачи жангчи билан Шиманский қўлларига граната бойламла-рини маҳкам ушлаб олиб, яшириниб танк келаётган томонга қараб юрдилар. Улар икки юз метрча масофани ер бағирлаб босиб ўтганларидан сўнг, граната бойламидан бирини танкка қараб улоқтирилар. Танк шу ондаёқ турган ерида тўхтаб қолган бўлса-да, аммо қутурган душман танк башнясидан туриб пулемётдан ўқ ёғдира бошлади. Шу вақт чегарачи жангчига бирдан ўқ тегиб ҳалок бўлди. Унинг ёнида ётган Шиманский эса ўзини йўқотиб қўймади, ғазабнок ҳолда қўлида қаттиқ сиқим-лаб турган граната бойламини танк башнясига қаратиб зарб билан улоқтирган эди, пулемёт овози учди қолди, биринчи танк мажақлаб ташланди, аммо орадан сал фурсат ўтмай Фарбий дарвозадан вариллаганча яна бирин-кетин икки танк кириб кела бошлади. Бу танклар бизнинг мудофаамизга қаратиб артиллериядан аёвсиз ўт оча бошлади. Бизнинг жангчиларимиз ҳам энди ҳар қа-чонгидан аҳиллик билан ўт очиб, танк кетидан ёпирилиб келаётган душман автоматчиларини қийрата бошладилар. Лейтенантимиз сержант Кухте, Шиманский, Кириченко ва ўзбек жангчиси Ҳожибоев ҳамда менга ва 333-полкда хизмат қилувчи икки қизил аскарга танкларни мажақлаб ташлаш тўғрисида буйруқ берди. Ҳар бири-миз қўлимизга иккитадан граната бойлами олиб, жанговар буйруқни бажариш учун душман ўти остида ер бағирлаб, икки группага бўлинниб танк келаётган томон судралиб боравердик. Биринчи группада мен, Шиманский, Ҳожибоев, Кириченко ва яна бир қизил аскар бор эди. Танклардан бири бизнинг группамиз пойлаб ётган томонга бостириб келаверди. Буни тўрт кўз билан пой-лаб турган Кириченко танкка биринчи бўлиб граната бойламини улоқтириди. Граната тўлпа-тўғри танк баш-

нисига тушиб портлади, лекин танк тўхтамай келаверди. Бизлар шошмадик, яна ўзимизни ўнгариб олиб, мен билан Ҳожибоев икковимиз гранаталарни зарб билан танкнинг занжирларига қараб улоқтирдик. Шу он тўхтаб қолган танк аланга ичида қолди. Гранатани ирғитиш биланоқ бизлар тезлик билан орқага чекиндик, қоида шундай эди. Бўлмаса граната парчалари келиб тегиб бизга зарар етказиши мумкин эди. Чунки орадаги масофа жуда яқин эди. Биз ўзимизни ўттиз метр чамаси орқага олар-олмас душманинг иккиси танки ҳам қулоқни ёргудай бўлиб портлади. Иккинчи танкни Кухте группаси портлатган эди.

26 июнь куни бўлган қизғин жанглар вақтида лейтенантимиздан айрилдик. Аммо командирликни 44-ўқчи полки жангчиси сержант Ҳожибоев ўз қўлига олиб, жангни тўхтовсиз давом эттирди. Аҳвол ниҳоятда оғир эди. Қамалнинг ўнинчи кунлари очлик устига сувсизлик бизни қийнаб ҳолдан тойдира бошлади. Бунинг устига уст-бошларимиз йиртилиб кетган, ифлосликдан афт-башарамизга ҳеч қараб бўлмасди. Қамалнинг ўн биринчи куни биз ертўладан ташқари чиқиш ҳаракатига тушдик. Командиримиз Ҳожибоев ертўладан чиқиб кетиш учун йўл топишини Кириченко билан чегарачи жангчига юклади. Йўл излаб кетган бу жангчилар дом-дараксиз кетдилар. Нима учун қайтиб келмаганликлари биз учун номаълум эди. Ниҳоят, ўн иккинчи кунга ўтар кечаси бир амаллаб ертўладан чиқиб, айланма каналдан кечиб ўтиб, эсон-омон темир йўл изига чиқиб олдик. Бу вақт қалъада ҳам жанг борар, отишма борган сари авжига чиқарди. Биз ўз аэроромимизга яқинлашиб бораётганимизда бирдан душман пойлоқчиларига дуч келиб қолдик. Отишма бошланиб кетди. Шу отишма вақтида жанговар дўстимиз, сержант Ҳожибоев қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Қолганларимиз ўрмон ичига кириб яшириндик.



Ўзбекистонлик жангчи Башаров билан ёнма-ён туриб душман билан олишган 44-полк, биринчи ўқчи ротанинг оддий аскари Николай Михайлович Исполатов «Уруш бошланган куни» деган эсдалигида шундай ҳикоя қиласди:

— Мудофаа мэрраси эгаллансин! — деб қичқирди сержант Максимов.

Ўн бир киши эдик. Взводимизда Федоров, Прохоров, ўзбек йигити Башаров ва яна бир қизил аскар бор бўлиб, қолганлар бошқа ҳар хил бўлинмалардан келган жангчилар эди.

Қалъя ичига дастлаб кирган гитлерчилар кўриниб қолди. Устларига дараҳт шоҳларини ёпиниб ниқобланган, автоматларини қўлларида маҳкам ушлаган бу гитлерчилар биз томонга қараб тўхтовсиз келарди. Бизлар нафасимизни ичга ютиб, уларнинг яқинлашиб келишини кутардик. Мўлжалга яқинлашиб келишлари биланоқ, биз уларга ёппасига ўт очдик. Босқинчиларнинг кўпчилиги ўша ернинг ўзидаёқ ер тишлаб қолди, енгил ярадор бўлганлари ва тирик қолганлари тумтарақай бўлиб урра қўчди.

Шундан кейинги иккинчи жанг ҳеч бир эсимдан чиқмайди. Орадап бир неча минут ўтгандан сўнг, фашистлар янги кучларни ишга солиб яна атака бошлади. Биз уларни яна аввалгидек ёппасига ўққа тутиб қолдик. Фашистлар пароканда ҳолда кўприк орқасига чекинишга мажбур бўлдилар.

Бизларнинг бутун ўй-хаёлимиз «душманни қандай бўлмасин кўприкдан ўтказмаслик» эди. Аммо фашистлар ўзларини борган сари кўприкка қараб ура бошладилар. Мерган совет жангчиларининг мўлжалга олиб отган ўқларидан уларнинг сафи янада сийраклашиб бораверди.

Душман, ниҳоят кўпприк устида бир қанча ўлик қолди-риб, яна ер бағрига шўнғиб кетди.

Шу вақт команда пунктидан сержант Максимов-нинг:

— Фақат мўлжал билан отинглар, битта фашистга икки ўқ ҳайф,— деган қичқириғи эшитиларди.

Душман энди ғазаб отига миниб автоматдангина эмас, пулмётдан ҳам довулдай ўқ ёғдира бошлади. Шу қатъий жанг вақтида дайди ўқдан сержант Максимов ярадор бўлиб қолди. Фашистлар кўпприкка қараб жонжадлари билан ташланган маҳалда ҳамма ёқни гулдураган «ура» садолари босиб кетди. Бизнинг жангчиларимиз қарши атакага кўтарилиган эдилар.

...Ўқларимиз тамом бўлай деб қолди. Ҳаракат қилиш, қўшимча ўқ топиш керак эди. Бунинг учун ҳалок бўлганларнинг ва ярадорларнинг ёnlарини қидириб ўқларини олиб, яқинимизда ловиллаб ёниб турган складдан ҳам ўқлар топиб келиб, жангни қаттиқроқ давом этти-рардик. Сафимизга келиб қўшилган жангчилардан ҳам анчагина киши ярадор бўлди. Окоп ичида устига шинель ёпилган ҳолда Прохоров ётарди. У ҳалок бўлган эди. Шу орада яна бир жангчимиз ҳалок бўлди.

Аҳволимиз анчагина оғирлашган пайтда, биз мудофаада турган участка томонга қараб душман танки ўрмалаб келаверди. Шу он командиримиз сержант Максимов ярадор бўлишига қарамай:

— Окопга тушилсин!— деб буйруқ берди.

Бизнинг ихтиёrimизда бир неча граната бор эди. Сержант жангчиларга мурожаат қилиб:

— Менинг ёнимга тезда етиб келинглар!— деб команда берди.

Биз ҳаяллатмай унинг ёнига — зовур ичига ўқдек учиб бордик ва қулай маррани эгаллаб, танкнинг яқинлашиб келишини пойлаб турдик. Ниҳоят, танк мўлжалга

тўғри келганда унга қараб жон-жаҳдимиз билан бир неча граната ирғитдик: танк аланга ичида қолди. Ўзида йўқ суюнган Максимов:

— Раҳмат, азаматлар! — деб қичқириб юборди.

...Уша куни кечаси, урушнинг биринчи кунида роса адабини еган қўшинларини немислар яна қалъа атрофига тўплай бошлади. Ваҳшийлар қалъага қаратса артиллериядан ўт очса, самолётлардан бомбардимон қиларди. Тунги осмонни аланга қоплаб олди. Отишма ва бомбардимонлар тўхтаганидан сўнг бир неча дақиқагина жимжитлик ҳукм сурди. Кейин яна пулемётлар тариллай бошлади. Қалъа устида ракеталар ёнди, ҳамма ёқ пројекторларнинг нуридан кундуздай ёруғ бўлиб кетди.

Эрталабга бориб эса қалъа устида душманнинг «Юнкерс» самолётлари пайдо бўлиб қолди. Яна артиллерию кононадаси бошланди. Душманнинг штурмчи группалири қалъа ичига бош сукқан эди, қалъа ҳимоячиларининг ёмғирдек ёғдирган ўқлари улар устига балодай ёпирилди. Душман назарида, ҳар бир тош, ҳар бир фишт, гўё ўқ бўлиб отилаётгандай эди. Душман эса ўлган-нетганига қарамай ҳамон олдинга интилгани интилган эди.

Азамат ва довюрак ўзбек йигити Башаров иккимиз пулемётдан тўхтовсиз ўт очиб, душманни ўзимизга яқинлаштиришга сира йўл қўймас эдик. Жанг даҳшатли ва қонли эди, Башаровни ҳалок этмай қолмади. Мен эсам пулемётдан янада кучлироқ ўт очиб, жанговар дўстим Башаров учун ҳар дона ўқ билан қасос олардим.

\* \* \*

Музейдаги ҳужжатларнинг баъзи бирларида, ўз хотираларини ёзган кишилар орадан кўп йиллар ўтиб кетганлиги сабабли ўз жанговар дўстларининг исм, фами-

лияларини эсдан чиқариб юборганикларини, аммо қайси миллат йигити эканиннигина хотирлайдилар. 84-ўқчи полк, миномёт батареясининг солдати Захар Степанович Ковтун бундай деб ёзган:

— Мен ва бир ўзбек жангчиси (афсуски, бу жанговар дўстимнинг исми ва фамилияси ёдимда йўқ) — иккимиз қоронги тунда разведкага жўнадик. Ертўлалар ичидаги вайроналар оралаб юриб марказий оролдаги казармага яқинлашиб бордик ва у ердаги харобалар орасига яшириниб олдик. Шу ерда туни билан мижжа қоқмай тонг оттиридик, кейин теварак-атрофни синчиклаб кўздан кечирдик. Бутун кунимиз шу вайроналар ичидаги ўтди. Ҳеч иложи бўлмагандан кейин куйган биноларнинг ёғочлари орасида навбати билан жиндак-жиндак мизғиб олдик. Лекин душманнинг ҳаракатини кузатишни тўхтатмадик. Эртасига кечаси орқамизга қайтдик.

Тун қоронғисида, тепамизда ракеталар ёниб турган бир пайтда беркиниб не-не машаққатлар билан «оқ уйга» етиб келдик-да, ертўламиз эшигини қидира бошладик. Ертўламиз эшикларига катта тошлар тираб беркитиб қўйилган экан. Тошлардан беш-олтитасини зўрға бир четга силжитиб, одам сифадиган тешик очиб ичкарига кирдик.

Бу ерга киришимиз шарт эди, чунки разведкага худди шу ердан жўнаб кетган эдик. Ертўла ичидаги ҳеч кимса йўқ экан. Бир-биримизга савол назари билан қарашиб, командирларимиз қаёққа кетди экан, деб анқайишиб туриб қолдик. Шу пайт бурунларга қандайдир, жуда ҳам сассиқ ҳид келиб урилди. Лабларимиз бирдан қуруқшаб сув ичкимиз келиб қолди. Бир вақт қарасам, ўзбек ўртоғимнинг лаблари бўрдек оқариб кетибди. Үзимъинг ҳам кўзларим ачиб, лабларим титрай бошлиди.

— Газ, газ! — деб қичқириб юбордим бирдан,

Шеригим бўлса оёқда туролмай ерга ўтириб олди. Мен дарҳол устимдаги майкамни ечиб олиб, икки бўлак қилиб йиртдим-да, ўша ерда турган бодринг тузланган бочкадаги шўр сувга тиқдим. Майкани тезда намлаб олиб, бир бўлагини ўзимга олиб қолдим. Икковимиз ҳам уни дарҳол оғзимизга тиқдик. Шундан сўнггина сал ўзимизга келиб, подвал ичидаги гандираклаб юриб, ўртоқларимизни чақира бошладик. Қанча чақирсак ҳам ҳеч қандай жавоб бўлмади. Ниҳоят, подвалнинг ўртасига етиб келганимизда сулайиб ётган бир жангчига кўзимиз тушиб қолди. Биз ундан командирларимизнинг қаёққа кетганини билмоқчи бўлиб ҳар қанча суриштиrsак ҳам ундан ҳеч қандай садо чиқмади. У бизларни кўриш билан бир-икки оғир нафас олди-да, дунёдан кўз юмди.

Сўнгра бизлар нима қилишимизни билмай аста юриб подвалнинг нариги бошига бордик-да, елкамиз билан тошларни бир амаллаб сура бошладик, баҳтимизга тошлар жойидан қўзғалиб чиқиш учун йўл очилди. Ўнг томондаги траншея ичидан бир нарса милтиллаб кўринди: «У ерда ким бор?»— деб овоз бердим, ҳеч қандай жавоб бўлмади. Мен яна: «У ерда ким бор?..» деб қаттиқроқ қичқирдим.

— Товушингни паст қил, ўзимизнилар!— деган жавоб эштилди. Биз овоз чиққан томонга қараб, аста-аста қадам ташлаб бордик. Дарҳақиқат, ўзимизнилар — қизил аскарлар экан. Аммо булар бизнинг взвод жангчилари эмас эди. Биз улардан: «Подвал ичидаги взвод жангчилари қаёққа кетди?»— деб сўраган эдик, улардан бири:

— Кеча кечаси бу ерга немислар келиб подвалга тушадиган ҳамма йўлларни тош билан беркитиб ташлади. Шу вақт икки орада қаттиқ отишма бўлди. Немис-фашистлардан кўп киши ўлди, чунки улар очиқликда эди.

Аммо подвалдагилар сизлар чиққан ана шу эшикдан чиқишиб, аллақаёққа қараб кетишди, биз ҳам улар билан бирга кетмоқчи әдик, лекин ҳаммамиз оғир ярадормиз, траншеяда бир амаллаб жон сақлаяпмиз,— деб жавоб беришди.

Мен ҳали-ҳали ўша разведкачи ўзбек дўстимни ҳеч бир унута олмайман, унинг энг даҳшатли дамларда ҳам кулиб турган илиқ чехраси кўз ўнгимдан нари кетмайди. Кўнглимда доим тирик бўлса керак, деб ўйлайман.

Агар тирик бўлса, ҳикоямни ўқиб, менга хат ёэса бошим осмонга етган бўлур эди, туғишган акам ёки укамни топгандек бўлардим.

\* \* \*

84-ўқчи полк, санитария хизматининг санитария инструктори Василий Степанович Солобозов ҳам қалъадаги жанг лавҳаларини эслайди:

— Сурункасига бир неча кун ухламадим десам бўлади. Киши баъзан уйқусизликка ўрганиб ҳам қолар экан. Ярадорларга қарашиб жуда ҳам чарчаганимдан подвалга тушиб бир оз дам оливолмоқчи бўлдим, чунки у ер анча жимжит эди. Подвалга тушибману зах ерга узала тушиб, донг қотиб ухлаб қолибман. Кечасига боргандан мени Суховерхов туртиб уйғотди-да:

— Василий, тур! Врач Бордин ўзини отиб қўйибди,— деди шоша-пиша.

Мен сакраб ғайри ихтиёрий равишда ўрнимдан туриб кетдим. Дарҳақиқат, Бордин менга яқин бир жойда сувлайиб ётарди. Ўқ ҳозиргина отилганидан пистолетнинг оғзидан тутун чиқиб турарди.

Ҳаммамиз — ярадорлар ҳам, бизлар ҳам унга қаттиқ сукут ичиде жимгина қараб турардик. Врач Бордин чинакам инсонпарвар, инсонга меҳрибон, хушмуомала

бир киши эди. Азоб чекиб ётган сон-саноқсиз ярадорларнинг аҳволини кўриб, уларга медицина ёрдами кўрсата олмагани учун қаттиқ асабийлашиб, ўзини отиб ташлабди. Кўнгли бўш, иродасиз одамнинг ишини қилипти!

Кунлар ўтган сайин қалъя ҳимоячиларининг сони камайиб борарди. Фашистлар биз турган бинонинг нариги бошига мустаҳкам жойлашиб олиб, том устига ўзларининг машъум байроқларини тикиб қўйган эдилар.

Бу хабар яшин тезлигига мудофаа штабига етиб борди. Қапитан Зубачев фурсатни кечиктирмай тезлик билан кўнгиллилар группасини тузди ва уларга бино бошига ўрнашиб олган фашистларга қарши қизил аскарлар билан биргаликда жанг бошлишни ва душманни у ердан ошғич суриб чиқаришни топширди.

Кўнгиллилар орасида медицина ходимлари ҳам бор эди. Мен уларнинг фашистларга қарши жон олиб, жон бериб курашганиларини завқ-шавқ билан кўриб турар эдим. Қекса врач Гутирия бениҳоя ғазабланган ва асабийлашган эди. Шу сабабдан фашистларга қарши бехато ўқ узиб, қулатиб турарди. Икки орадаги отишма қизғин давом этиб турган бир пайтда кўнгиллилар ва қизил аскарларнинг қудратли «ура» овозлари эштилиб қолди. Шу он улар гранаталар улоқтириб, автоматлардан сурункасига ўқ узиб, фашистлар устига лавадек бостириб борардилар. Бу жангда ҳеч ким, ҳатто ярадор бўлган биронта ҳам жангчи сафдан чиқиб қолмади, ўзини қаттиқ мудофаа қилиб турган душман улоқтириб ташланди.

...Шу олиш-тутиш жангидаги бир ўзбек жангчисининг кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги кишининг сира эсидан чиқмайди. Афсуски, мен унинг фамилиясини унутганман. Бу мард йигит жанг давом этган кунларнинг бирида команда пунктига келиб, душман билан курашни давом эттираётгани тўғрисида доклад қилди.

Чунки командири — сержант жангда ярадор бўлиб сафдан чиққан эди. Комиссар Фомин тезлик билан сержант ётган ерга бориб биринчи ёрдам кўрсатишни менга топширди. Бу вазифани бажариш учун ўзбек жангчиси билан иккимиз ўқ ёмғири остида харобалар орасидан эмаклаб кетаётганимизда ўзбек жангчисига бирдан ўқ тегиб йиқилди. Ўқ қорнига теккан экан. Мен дарҳол унинг ярасини боғладим-да, бир чеккага олиб ётқиздим. У ҳолдан кетаётганига қарамай қора кўзларини менга тикиб:

— Тезроқ командиримнинг ёнига етиб боринг,— деб ёлворди.

Мен сержантни вайронга бир бинонинг ғишт уюмлари орасидан топдим. Унинг ўнг товони узилиб тушган бўлса ҳам, душман устига қўл пулемётидан ўқ ёғдириб турарди. Мен сержантнинг қон оқиб турган товонига дори қўйиб бойлаб ётган бўлсан ҳам, у менга парво ҳам қилмай курашни давом эттиromoқда эди. Сержантнинг ишини битириб орқамга қайтдим. Йўл-йўлакай ўзбек жангчисининг ҳолидан ҳам бир хабар олай, деган ниятда унинг ёнига борган эдим, у жон талвасасида ётибди-ю, аммо милтигини икки қўллаб маҳкам ушлагани ҳолда душман томондан кўзини узмай, ўз заҳрини сочиб ётар эди.

\* \* \*

— Брест қалъасини,— деб эсадалигини бошлайди 98-алоҳида танкка қарши артиллерия дивизиясининг кино-механиги Николай Иванович Соколов,— қаҳрамонона ҳимоя қилишга бошчилик қилиб турган командирлардан Акимочкин билан Нестерчук хилватроқ бир жойга бориб, шивирлашиб гаплаша бошлади. Нестерчук бўғиқ овоз билан: «Биз ҳозир икки группага бўлинамиз, бир

группа мен билан, иккинчиси сиз билан бўлади. Қалъадан чиқамиз, бир-биrimiz билан шаҳар чеккасидаги кушхонада учрашамиз»,— деди Акимочкинга.

Нестерчук билан Акимочкин устахонанинг ҳужрасидан аста чиқдилар. Жангчилар ҳар томонга тарқала бошлиши. Мен Акимочкиннинг группасига тушган эдим. Мосин, Кубасов, Аҳмад Алиев, Корнев, Ширяев, учинчи батареянинг старшинаси Воробъёв билан Морозов ҳам шу группага қўшилди. Биз Тупроққўрғон орқали шимол томонга қараб, Нестерчукнинг группаси эса, кўпrik ёнидаги хандақ ичи билан кетди.

Йўл оғир ва хатарли эди. Шунинг учун якка-якка бўлишиб дарахтлар, буталар панасида, чуқурлар ичидан, баъзан эмаклаб ва баъзан эса судралиб йўл босдик. Душманга ўзимизни сездирмаслик учун баъзан нафас ҳам чиқармас, баъзан эса қимир этмай ерга қапишиб ётиб ҳам олар эдик. Олдинга сал-пал силжисак ҳам не-не машаққатлар билан силжиридик.

Юз эллик метрча йўл босганимиздан сўнг снаряд тегиб йиқитган бир дарахтга дуч келдик. Бахтимизга дарахтнинг бир боши сувнинг бу чеккасига, иккинчи боши эса у чеккасига тушиб кўпrik бўлиб қолган экан. Акимочкин шу он бизларни бир лаҳза тўхтатиб, орқадан келаётган жангчиларни куттирди. Ҳамма келиб йифилганидан сўнг, Акимочкин яна ҳам эҳтиёт бўлишимизни таъкидлади. Лейтенант чакалакзордаги дарахтларнинг қалин шохларини икки томонга қайриб, қирғоққа етиб борди-да, бутазор ичига кириб беркинди. Йиқилган дарахт устидан иккинчи бўлиб мен билан Ширяев ўта бошладик. Қирғоққа яқинлашай деб қолганда Ширяевнинг оёғи сирғаниб кетиб, сувга тушиб кетди. Бизлар уни сув ичидан зўрга қутқариб олдик.

Худди шу пайт биздан сал нарироқда душман автомати тариллаб қолди ва немис солдатлари биз томонга

қараб югуриб келаверди. Ҳавони тилиб пайдо бўлган прожектор нурлари ҳамма ёқни сутдай ойдин қилиб юборганди. Бизлар кўринмаслик учун пана жойларга ётиб олдик. Фашистлар Акимочкин билан Ширяевни уч томондан ўрай бошлади. Биз турган еримизда муздек қотиб қолдик. Акимочкин бўлса ўзини йўқотиб қўймади, саросимага тушмади, душманга қарши ўқ узган ҳолда орқага чекинаверди. Биз ҳам қараб турмадик, ётган еримиздан ўқ узиб душман солдатларини бирма-бир йиқитавердик. Шу пайт бир дараҳт орқасидан шиддат билан отилаётган ўқ овози эшитилиб қолди. Қимdir: «Ўзингни панага ол!» деб чинқирав, лекин жангчи бу овозни эшитмас эди. Шу он дараҳт орқасидаги йигит «гуп» этиб йиқилди. Бу йигит душман солдатларидан йигирматасини ер тишлатган Аҳмад Алиев эди. Ширяев тезлик билан бизнинг ёнимизга ётиб келиб, Аҳмад Алиевни елкасига опичлаб пана жойга олиб чиқиб кетди. Кейин ҳаммамиз ҳам чакалакзор ичига кириб мудофаага ўтдик.

\* \* \*

Музейдаги ҳужжатларда яна шу нарса ҳам борки, қалъада қаҳрамонона жанг қилиб, душман қуршовидан чиқиб кетган жангчилар ҳам бўлган. Улар Белоруссия ўрмонларида душманга қарши кураш олиб борган халқ қасосчилари — партизанларга қўшилиб кетганлар. 455-полк алоқачилар ротасининг оддий аскари Иван Петрович Оскирко бу тўғрида шундай ҳикоя қиласди:

— Одамлик қиёфасини йўқотган, сдамхўр ваҳший фашистлар 1941 йил 22 июнь кечаси биринчи марта бизга зарба берди. Мина ва снарядлар бошлаб бизнинг териториямизда портлади. Уша он кўпгина солдатлар ҳалок ва ярадор бўлди. Портлаш ва тревогадан уйғон-

ган солдатлар кийинишга ҳам улгурмай снарядга қараб югурдилар ва ўша ерда шоша-пиша қуролландилар. Сержант Рутенко бизнинг бўлинма командири эди. Ротага эса лейтенант Андрусенко командирлик қиласди. У, кўприк атрофида мудофаани эгаллаш тўғрисида буйруқ берди.

Бизлар ўша ерни беш-олти кунгача қўлда маҳкам ушлаб турдик. Қасамига содиқ бўлган солдатлар мардона туриб бердилар. Душман ҳар уч соат деганда мудофаамизни ёриб ўтиш учун атака қиласди, биз эсак унга катта талафот етказиб, чекинишга мажбур қиласди.

Овқатсизлик, сувсизлик, бунинг устига жуда чарчаганлик ҳолдан тойдирса-да, лекин душман атакасини тўхтовсиз даф қилиб турардик. Гитлерчилар рупор (карнай) ўрнатиб, ҳадеб: «Таслим бўлинглар!» деб қичқираади. Аммо биз қичқириқларни писанд қилмас, таслим бўлиш у ёқда турсин, балки мустаҳкамланиб олган жойимизга жон-жаҳдимиз билан ёпишиб олган эдик. Бир вақт «қамалда қолганларга ёрдам бериш учун бизнинг қўшинлар келяпти», деган овозалар тарқалди. Сержант Рутенко қизил аскарлар билан бирга кўприкдан ўтиб ўзимизнилар билан қўшилмоқчи бўлди-да, уларни қўл пулемётидан ҳимоя қилиб туриш учун мени мудофаада қолдирмоқчи бўлди. Лекин жангчиларимиз бирдан қопқонга тушиб қолди. Улар яширин жойдан чиқиб келишлари биланоқ душман уларни тўйатдан ўққа тутди. Сержант Рутенко билан ҳамма жангчилар, жумладан, менинг шеригим ҳам ҳалок бўлди. Пулемёт олдида ёлғиз ўзим қолдим. Бу воқеа қачон бўлганини яхши эслай олмайман, тахминан биринчи июлда бўлган бўлса керак, деб ўйлайман. Рутенконинг ҳалокатидан сўнг ҳам, биз ҳамон мудофаада турардик.

Биз ахири чуқур подвал ичига тушдик. Бу ерда ҳам

яна мудофаада турдик. Аҳволимиз ниҳоятда оғир бўлса-да, асир тушишни сира хаёлимизга келтирмасдик.

Ҳар замон-ҳар замонда алангланиб турган жанглар орасида политрук Мазанков оғир ярадор бўлиб қолди, жон таслим қилиш олдида бизларга: «Йигитлар, асло асир тушманлар, имкони борича қамалдан чиқиб кетишга ҳаракат қилинглар»,— деб васият қилди.

Омон қолган йигирма тўрт жангчи қандай бўлмасин қуршовдан чиқиб кетишга қарор бердик. Бу жангчилар орасида мен билан бирга Зиновий Балюк, Иван Бухилко, Жаламаев, Юсупов ва бошқалар бор эди. Бизлар йўл қидириб қалъанинг шимолий томонидан ёриб чиқдик. Фронт энди жуда орқада қолиб кетган эди.

Брест областида партизанлар отряди тузилганлиги тўғрисида дарак эшлишимиз билан ҳаммамиз ўша отрядга қўшилиб олдик. Энди биз ҳақиқий халқ қасосчилари бўлиб олиб, ҳалок бўлган жанговар дўстларимиз учун фашистлардан қаттиқ қасос олиш пайига тушдик. Партизан отрядининг ҳамма топшириқларини шон-шараф билан бажариш учун разведкаларга бордик, ҳарбий эшелонларни портлатдик ва бошқа қўпорувчилик ишларни қилдик.

Гитлерчилар менинг партизан эканимни билиб қолиб хотинимни, икки боламни ва қариб қолган онамни отиб ташлашди ва ҳамма рўзгор буюмларимни йўқ қилди.

1944 йили Брест области гитлерчилардан озод қилинганидан сўнг, мен кўнгилли бўлиб яна фронтга жўнаб кетдим ва энди душманга қарши аввалгидан ҳам қаттиқ курашдим, душмандан қасос олишга киришдим. Аммо шиддатли жангларга тоб бериш қийин бўлди, бир қаттиқ жангда дайди ўқдан ярадор бўлдим. Ғалаба кунини Берлин бўсағасида кутиб олишга муваффақ бўлдим.

Жанговар дүстларимдан Балюк Зиновий ҳозир бизнинг районда тракторчи бўлиб ишламоқда. Бухилко ҳамтирик, деб эшиштаман, аммо қаерда эканини билмайман. Жаламаев билан Юсупов партизанлар отрядида мен билан бирга эди, кейинчалик фронтгаям бирга кетган эдик. Ўшандан бери уларнинг тақдири мен учун номаълум қолди, аммо бу жанговар дўстларимнинг сиймоларини, уларнинг менга кўрсатган меҳрибонликларини, ярадор бўлганимда бошим узра энгашиб туриб: «Дўстимиз, тез кунда омон-эсон кўришамиз!», — деб қулоғимга айтган гапларини сира-сира унута олмайман. Дарҳақиқат, бундай дамларни унутиб бўладими!

125-ўқчи полк, 1-батальон командири капитан Григорий Александрович Ландишев ўз хотирасида қуйидаги лавҳани эслайди:

— ...Қалъа девори остида изғиб юрган гитлерчилар бирдан кўринмай қолди. Шундан фойдаланган бизлар тезлик билан олдинга ташландик. Энг олдинда кетаётган жангчилар комсоставлар турадиган бинога яқинлашганда, пистирмада турган немислар бизни ўраб олмоқчи бўлди. Аммо биз уларга қарата станокли пулемётдан шундай шиддатли ўт очдикки, душманинг ерга ётиб олишдан бўлак чораси қолмади.

Бизлар пана жойларга беркиниб олган бўлсак-да, аммо бу ерда тўхтаб туришнинг иложи йўқ эди. Чунки гитлерчи солдатларнинг сони борган сари кўпаймоқда эди. Шунинг учун бизлар қисқа-қисқа югуриб, ҳадеб олдинга боравердик. Йўлларда қўл пулемётлардан ўт очиб ўзимизга йўл очардик. Шимолий истеҳкомда турган жангчиларимиз ҳам бизни ҳимоя қилиб, душман устига пулемётлардан бетўхтов ўт очиб турардилар.

Шундай қилиб, душманинг бизни қуршаб олиш учун қилган ҳамма ҳаракати барбод бўлди. Жангчилар

римиз душманга қарши қаҳрамонларча курашдилар. Душман бизга яқинлашиб келиш учун кўп уриниб кўрди, лекин биз ҳам бўш келмадик, унинг устига гранаталар улоқтириб, ниҳоят, қуршовни ёриб ўтиб кетдик.

... Қум тепа устига жангчиларимизнинг ярмигина чиқишига улгура олди. Иккинчи ротанинг командири Жуков ҳам бу ерга етиб келолмай йўлда ҳалок бўлди. Шу жангларда бошқа мудофаачилар қаторида сержант Турдиев деган ажойиб ўзбек йигити бор эди. Унинг душманга қарши олиб борган мардонавор курашларини тарих тилга кириб сўзлаб берса, янада мароқли бўлган бўлур эди.

833-ўқчи полк тиш доктори Наталья Михайловна Контровская қалъядаги даҳшатли кунларни кўз олдидан сира нари кетказа олмайди:

— ...Кечга яқин (фамилиясини унугланман) бир ўзбек жангчиси,— дейди у,— вайрона подвал ичидан аранг судралиб чиқиб, музхонадан бир парча муз олиб келди. Шу вақт у лейтенант Шульженконинг икки яшар ўғлини кўриб қолибди. Бола онасининг мурдасини қаттиқ қучоқлаб йиғлаб ётган экан. Онаси шўрлик душман ўқидан ҳалок бўлган экан. Бу гўдакнинг баданлари ҳам енгил ярадор бўлибди, ўзи эса ўлмай қолган экан.

...Кожеватов билан Попов 333-полкнинг подвалида душманга қарши мудофаа ташкил қилдилар. Қутурган немислар подвалга яқинлашиб келиб, алланималар деб қичқиришарди. Сўнгра аламларига чидай олмай: «Агар таслим бўлмасаларинг қириб ташлаймиз, яхшилика қуролларни топшириб асир тушинглар!» — деб бақира

бошлашган эди, ҳалиги ўзбек жангчиси овозишинг борича бақириб: «Биз коммунистлармиз, мутлақо асир тушмаймиз, қатра қонимиз қолгунча курашишга тайёрмиз!»— деб жавоб қайтарди. Унинг бу оташин сўзи бизнинг юрак сўзларимизнинг акс-садоси бўлгани учун ҳам руҳимиз жуда кўтарилиб кетди. Бу жавобдан сўнг немислар пулемётлардан бизларни ўққа тута бошлади. Пулемёт ўқлари подвал ойналарини чилпарчин қилиб турарди.

Ярадорлар кўпаяверди. Уларни санитарлар тез-тез кўтариб келтиарди. Ичимиздан кимдир оқ рўжага қизил латтадан крест қилиб, бу ерда ярадорлар бор, деб дераза устига осиб қўйди. Шундан сўнг бир неча дақиқагина жимлик ҳукм сурди. Аммо бу ҳол узоққа чўзилмади, душман қизил крестга қараб шундай ўқ ёғдирдики, ҳамма ёқ дабдала бўлди. Ярадорларнинг фифони, болаларнинг йифи-сифиси эштиilarди, холос. Душман ҳамон қизил крест осилган байроққа тинмай ўқ отарди.

Бир вақт душман подвалга ўзимизга қарашли Валя Зенкина деган ўн тўрт яшар бир қизни киритди. Қиз бизга, немисларнинг асирга тушишимиз тўғрисидаги ультиматумини топширди. Улар ультиматумларида, агар таслим бўлмасак, қириб ташлайжакларини ёзибдилар. Жангчиларимиз ультиматумга жавобан «мана сенга» деб кучли ўт очиб юбордилар. Валя Зенкина биз билан қолиб кетди. На овқатимиз ва на сувимиз бор эди, доридармон ҳам ўйқ ҳисобида эди. Ярадорларга ёрдам кўрсатишнинг сира иложи қолмаган эди. Шу сабабдан ҳам оғир ярадорлар оҳ-воҳ қилиб азоб чекар, ёруғ дунё билан видолашарди. Аммо қўлига қурол ушлашга қодир бўлган енгил ярадорлар эса мудофаада бардам туриб, ўз ёрдамларини аямасдилар. Лекин энг ёмони ўқ-дориларимиз тугаб қолай деган эди...

— Ҳамон эсимдан чиқмайди,— деб ёзган эди 84-ўқчи полк жанговар таъминот взводининг командири Александр Иванович Дурасов санитар взводида хизмат қилган бир ўзбек медицина ходими ҳақида:

— Қалъада қизғин жанг бораётган кунларнинг бирида сонимдан ярадор бўлдим. Жангчи Решетов мени кўтариб ярадорлар ётган подвалга олиб тушди. Бу жой илгари картошка сақлайдиган омбор эди. У ердаги ҳарбий фельдшер менга қўлидан келганча медицина ёрдами кўрсатди: оёғимни икки тахта орасига олиб боғлади, оқ бинт йўқлиги учун ички кўйлагимдан йиртиб олиб ярамни ҳам боғлаб қўйди.

Подвалда ётган ярадорлар ерда сочилиб ётган картошкалар устида дори-дармонсиз, сувсиз, овқатсиз жуда оғир азоб чекиб юмалашиб ётар эди. Ҳар томондан «сув, сув» деган овозлар эшитилиб турарди. Муховеъц дарёси ёнгинамиздан оқиб ўтса ҳам, ундан сув олиб келишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Чунки сувни фашист жаллодлари пойлаб турар, қимиirlаган жонни отиб ташларди. Улар бизларни қийнаб ўлдириш учун ҳатто водопровод сувларини ҳам тўхтатиб қўйган эди. Биз ташналик азобида подвал ичидан ўтган водопровод трубасини не азобларда тешиб ҳам кўрдик, лекин бир қултум ҳам сув тушмади.

Ниҳоят, сув чиқиб қолар деган умидда цемент полни ярим метрча қазидик, сувдан асар йўқ. Қазилган чуқур ичига сув ўрнига сидирилиб майда қумлар туша бошлади. Қумни сиқиб сув чиқармоқчи бўлиб уриниб ҳам кўрдик, қум нам бўлса-да, лекин сув чиқмади. Охири нам қумни лабимизга қўйиб ялаб ўтирдик.

Бир кеч ташналик азобида уйқудан уйғониб кетдим. Атрофимда ўтирганлар ҳам сув тўғрисида гаплашиб

ўтирад эдилар. Ҳарбий фельдшер билан унинг ёнида ўтирган санитар ўзбек жангчиси ҳам сувни қандай қилиб олиб келиш ва уни ким олиб келиши ҳақида сўзлашишарди. Бундан илгари сувга кетган енгил ярадор икки жангчи эса қайтиб келмаган эди. Улар дарёдан бир амаллаб икки котелок сув олиб, эмаклаб қайтиб келаётганларида фашистлар уларни отиб ташлати.

Шу вақт бир ярадор санитар ўрнидан туриб:

— Сувга мен бораман,— деди-да, икки котелокни қўлига олиб ташқарига чиқа бошлади. Бу — қотмадан келган новча ўзбек йигити эди. Унинг орқасидан ярадорлар меҳрли кўзларини тикиб кузатиб турардилар.

Тун қора ярим бўлса-да, лекин ҳамма уйғоқ эди. Чунки ташналик азобидан кўзларга уйқу келмасди. Санитарнинг омон-эсон сув келтиришини ҳаммамиз икки кўзимиз билан пойлаб ташқарига тикилиб ўтирган пайтимиизда бирдан автоматдан сурункасига отилган ўқ овози эшитилиб қолди. Шунда кимдир:

— Оҳ, уни ҳам ўлдирдилар,— деб додлаб юборди.

Угина эмас, мен ҳам йиғлаб юбордим, менгина эмас, ҳамма ҳам йиғлаб юборди. Шу пайт коридордан одам шарпаси эшитилди, ҳамма шарпа чиқсан томонга ўгирилиб қаради. «Келди, келди» деган овоз эшитилди. Ҳақиқатан ҳам санитар йигит икки котелокни эҳтиётлик билан ушлаган ҳолда подвалга кириб келди. Сувни кўрмаган ва ичмаган бўлсак-да:

— Раҳмат, оғайни!— деб унга томон толпиндик.

Санитар котелокни аста ерга қўйиб, кичкина шиша-чадаги сувни аввал оғир ярадорларга, сўнгра енгил ярадорларга ичкизди. Шиша-чадаги сув йигирма граммча келарди. Тонг отгунча азamat ўзбек йигити олти марта сувга бориб келди, бахтимизга ҳар сафар омон-эсон қайтди. Ҳафталааб сув ичмаганилар қониб-қониб сув ичди.

Қунларнинг бирида биз ётган казармани душман артиллерия ва миномётдан шундай ўққа тутдики, икки метр қалинликдаги деворлар ҳам худди безгак тутган одамдай титрай бошлади. Устимиздаги биринчи қаватнинг полини аланга олиб кетди. Солдатлар ўртасида, немислар разведкачилар батальонининг ошхонасини ишғол қилибди, деган овозалар тарқалди.

— Агар ошхона ишғол қилинган бўлса сувга борадиган йўл ҳам кесиб қўйилибди-да,— деди аллаким.

Шу он шипнинг ёнган тахталари, ёғочлари гурсиллаб устимизга туша бошлади. Ярадорлар сўнгги кучларини тўплаб, зинапоя орқали юқори қаватга чиқишаверди. Минанинг кучли портлашидан мен ҳушдан кетиб йиқилдим.

Санитар — ўзбек жангчисининг кўрсатган мардлиги, одамларга қилган бениҳоя ғамхўрлиги сира-сира кишининг эсидан чиқмайди. Унинг тақдири нима бўлганини ҳанузгача билмайман,

## УРУШНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНИДА

Мен Брест қалъасидан қайтиб келгандан сўнг, «Қизил Ўзбекистон» газетасига «Брест хотиralари» номли мақола ёздим. Мақола босилиб чиққандан сўнг редакцияга турли кишилардан хатлар кела бошлади. Улар ўз хатларида мақолада номлари кўрсатилган кишилар ҳақида: бири — фалончи менинг отам эди деса, иккинчиси — ўғлим, учинчиси — акам, тоғам, амаким, жияним деб ёзганлар. Мана шу хатлар ичидан бир хат чиқдики, бу 125-ўқчи полк, сапёрлар ротасининг командири Сиваков хотираномасида номи тилга олинган Мамадамин Ҳожиевдан эди. Мен дарҳол Ҳожиевга хат ёздим ва кейинчалик у билан учрашдим. У суҳбат вақтида қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Мен Совет Армияси сафига 1940 йилнинг сентябрь ойида чақирилдим. Дастлаб Брест қалъаси яқинидаги Ким қишлоғига жойлашган қисмнинг мотомеханикалашган бўлинмасида ҳарбий таълим ола бошладим. Ўша йили ҳарбий хизматга чақирилган ўрта осиёлик ёшлардан кўпи Брест шаҳри, қалъаси ва унинг атрофидаги ҳарбий қисмларга келган эди. Бизнинг қисмда ҳам, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик йигитлари қатори анчагина ўзбеклар ҳам бор эди. Қисмдаги жангчилар бизларни қадрдон дўстлардек илиқ кутиб олдилар. Биз-

дан аввал ҳарбий хизматга қақирилган рус, белорус, украин ва бошқа миллат жангчилари машқ ва ҳарбий таълим вақтида бизга ёрдамлашар эдилар. Биз ҳаммамиз иноқ бир оиласа ўхшар эдик.

Бизнинг бўлинмамиз бир йилдан кейин Брест қалъасига кўчирилди. Биз энди ҳарбий ҳаётга жуда ўрганиб қолган эдик. Ҳарбий-сиёсий тайёргарликда яхши кўрсаткичларга эришган жангчилар қаторида ўзбек жангчилари ҳам анчагина бўлиб, улар энди янги келган, ёш жангчиларга ёрдамлашар эди.

Брест қалъаси Брест шаҳридан фақат икки километр нарида, совет тупроғининг нақ чегарага бориб тақалган ерида эди. Айтишларига қараганда, Брест қалъаси Фарбий Буг дарёси соҳилида бундан бир асрдан кўпроқ илгари солинган экан. Бу қалъа ўз вақтида дунёдаги энг мустаҳкам қалъалардан бири бўлиб, Россиянинг Фарбдаги асосий таянч марказларидан бири ҳисобланган. Лекин замонлар ўтиши билан ҳарбий техника жуда ўсиб кетиб, қалъалар умуман эскириб қолган. Асримизнинг бошларига келиб, Брест қалъаси муҳимроқ бир ҳарбий объектлик мавқенини йўқотиб қўйган эди. Улуг Ватан урушидан олдин у шунчаки қўшинларимиз турадиган жойга, казематлари, яъни артиллерия ўқи ва бомбалардан сақланиш учун бетон билан қопланган мудофаа истеҳкомлари эса ҳарбий анжомлар сақланадиган омборга айланиб қолган эди.

1941 йил 22 июнга ўтар кечаси қалъада кичик бир гарнizon қолган, чунки бу ерда қишлоғидиган ҳамма ҳарбий қисмлар, ҳар қачонгидек, ёзги лагерларга ва машқ таълимига жўнатилган эди. Қалъада қоровуллик қилиш учун ҳаммаси бўлиб, икки полкка етар-етмас пиёда аскарлар қолган эди. Шу жумладан, бизнинг бўлинмамиз ҳам қалъада қолган эди.

21 июнь шанба куни эрталабки физкультура машқи-

дан бошлаб то яроғ-аслаҳаларни тозалашгача бўлган ҳамма ишларни яхшилаб бажариб, кечқурун кинога боришга шошилардик. Кундузги овқат ҳар кундагидек сергўшт, ёғлиқ, шунинг учун қорин ҳам тўқ эди, кечки овқатни кинодан келиб ейдиган бўлдик.

Бир группа жангчилар Брест шаҳрининг соя-салқин, каштан ва сарв дараҳтлари остида ойнадек тротуардан чақчақлашиб борардик. Некрасов кўчасидан энди бурилишимиз билан музика ва ашула эшитилиб қолди. Катта бир эшик олдида беш-олти киши гаплашиб турган экан, салом-аликдан кейин, улардан бири бизни тўйга киришни таклиф қилди. Биз кинога кетаётганимизни айтган эдик, у киши соатига қараб, биринчи сенснинг бошланишига яна бир соат бор, бирпас меҳмон бўлиб чиқинглар, деб қистаб туриб олди, бошқалар ҳам ёнимизга келиб ичкарига бошлиди.

Биз ичкари кирганда ўйин тўхтаб, ҳамма ўйинчини олқишлиб чапак чалаётган эди, бизни кўришлари билан янада қаттиқроқ чапак чалишиб юбориши. Биз жуда уялиб кетдик. Бизни тўй ноз-неъматлари билан сийлашди, раҳмат айтиб, хайрлашиб чиқиб кетдик. Мен буни шунинг учун айтяпманки, Брест халқи солдатларни жуда ҳурмат қилар, ўз фарзандлариdek хушмуомалик билан гаплашарди. Биз ҳам уларга жавобан совет солдатига хос маданий муомала қиласидик.

Кино бошланишидан олдин одатдагича журнал бошланди. Журналда Ўзбекистон пахта далалари, олманиязор, узумзор боғлар, Катта Фаргона канали сувларининг оқиши, колхозларда пилла терими маросими ва республикамизning кўпгина қурилишлари кўрсатилди. Биз ўзимизни худди Зоминда, ўз уйимизда ўтиргандек ҳис қилдик. Биз «Чапаев» фильмини жуда завқ-шавқ билан томоша қилиб, қалъа томон жўнадик.

Қалъага келгунча йўл-йўлакай ашула айтиб, ҳазил-

мазах қилишиб, баъзан бир-биримизни қувлашиб келдик. Муховең дарёси кўпригидан казарма томон бурилганимизда, кенг майдондаги танца плошадкасида ўспириналар, офицерларнинг хотинлари танца тушарди. Қалъанинг кенг майсазорида болалар чопқиллашиб ўйнашар, ҳар томондан ашула, кулги овозлари эшитиларди.

Кечки овқатни еб бўлиб, ухлаш учун казармага кириб кетдик. Биз казармага кирганда етти-саккиз жангчи ўйларидан келган хатларни ўқиб сұхбатлашиб ўтирган экан. Улардан бири менга қараб: «Ҳожиев, қани танцага туш!»— деди. Одатда солдатларга эл-юртидан хат келса танцага тушмагунча хатни беришмасди. Улар лазгенча ўйинга чапак чалишди, мен ўйнадим. Сўнгра хатни беришди. Мендан кейин Егоров, Сорокин, Бойдавлатов, Азимов ҳам танцага тушди.

Каравотларга ётар эканмиз, эртага дам олиш куни иккинчи рота футболчилари билан бўладиган футбол ўйнимиз ҳақида гаплашиб ётиб ширин уйқуга кетдик.

Бутун қалъани титрататётган тўп ўқларининг гумбурлашидан ҳаммамиз ўрнимиздан сапчиб турдик.

— Қуролларингни олинглар!— деган овоз эшитилди бирдан. Казарма ичи худди зилзила бўлаётгандек титарди.

Тонг қоронғисида взвод командири младший лейтенант Смирнов бошлигига фарғоналик жангчи Бойдавлатов, зоминлик — ҳамқишлоқларим Ёқуб Сафаров, Эсиргал Жабборқулов ва рус йигити Музировлар билан бирликда фашист босқинчиларга қарши жаигга киришдик.

Жанг бошидаёқ мен оғир ярадор бўлдим. Бомба парчалари ўнг тиззамни ва чап оёғимни тиззадан пастини пачақлаб юборди. Мен йиқилишим билан Музиров

қорнини ушлаганча қичқириб ёнимга йиқилди. Шундан кейин нима бўлганини билмайман.

Кўзимни очиб қарасам госпиталда ётибман. Ёнимда ётган биродарлардан қаерда ётганимни сўраганимда, улар, Воронеж шаҳаридаги ҳарбий госпиталда, дедилар. Госпиталда уч-тўрт кун даволанар-даволанмас фашист қузғунлари Воронежни ҳам бомбардимон қила бошлиди. Шунинг учун госпиталимизни Воронеждан Чкалов шаҳрига кўчирдилар.

Мен госпиталда анча ётиб даволаниб чиққанимдан кейин, мени инвалидга чиқариб, уйимга қайтардилар.

Мен билан бирга армия сафига чақирилган ва Брест қалъасидаги жангда мен билан ёнма-ён туриб фашист босқинчиларга қарши курашган, номлари юқорида айтилган ҳамқишлоқ дўстларим — Бойдавлатов, Ёқуб Сафаров, Эсиргал Жабборқуловлар уйларига қайтиб келмадилар, ёвуз душманга қарши курашда ҳалок бўлган бўлсалар керак.

Урушдан қайтиб келганимдан бери мен Сирдарё областига қарашли 4-совхозда ишлаб турибман. Брест қалъасининг мудофааси ҳақида билганларим шулардан иборат.

## ҚАЛЪАДАГИ ҚАҲРАМОНЛИК

Немис қўмондонлиги қалъага ҳар куни қўпорувчиларини тинмай юбориб турар эди. Бир чердакда, бир томда ва ҳадеганда бино ичида тўқнашувлар бўлиб турарди. Фашистларнинг каллакесар солдатлари сон жиҳатидан кўпроқ бўлгани сабабли, қалъа ҳимоячиларига оғир талафотлар етказарди. Қалъа амбразурасида, дезразалар олдида, мўрилар орасида дам-бадам портладидиган моддалар деворларни ағдариб, шипларни кўтариб ташлар ва одамлар ғишталар ҳамда йўғон харилар остида қолиб ҳалок бўлар эди. Мана шундай хунук ва хавфли шароитга қарамай, марказий участкага мустаҳкам жойлашиб олган жангчиларимиз ағдарилмай қолган деворлардан баррикадалар ясаб, жангни давом эттирад әдилар.

Фашистлар қалъанинг ғарбий шимол томонидаги дарвоза ёнига окоп қазиб жойлашиб олишга муваффақ бўлди. Бу жойдан туриб улар қалъани тўхтовсиз ўққа тутар, шарқ томондаги бинолар ичига кириб олишга интиларди. Фашистлар забт этган оқ саройдан казармага қочиб келган жангчилар орасида Дониёр Абдуллаев билан Сос Нуриджанянлар ҳам бор эди. Казарма ичидаги аҳвол соат сайин ўзгариб турарди. Бу икки дўст гоҳ қалъа туйнуғи олдида туриб ларё томондан бос-

тириб келаётган душманга қарши ўқ узар, гоҳ хона ичиға кириб олган автоматчилар билан олиш-тутиш жангига шердек олишиб, уларни хона ичидан суриб чиқаарди. Бошқа жангчилар қатори Абдуллаев билан Нуриджанянлар ҳам ўқлари тугаб қолганидан ўлжа олинган немис автоматларидан ўқ отардилар, ўз милтиқларидан эса атакага борганда найзабозлик учун фойдаланаардилар.

Оқ сарой қўлдан кетгунча шу каби аҳвол давом этиб турди. Бизнинг жангчиларимиз эса душман билан ҳамон қаҳрамонона олишар, унга омонлик бермаслика ҳаракат қиласарди, лекин қутурган душман энди танкларни қаттиқ ишга солиб, оғир ярадор бўлган жангчиларимизни атайлаб бостириб, эзиз ўтарди. Буни кўриб турган Дониёр Абдуллаев гитлерчиларнинг ваҳшийлигига чидай олмай ўлжа автоматдан ўқ узгани ҳолда: «Гитлерчиларга ўлим!» деб қичқиравди. Жанговар дўстларининг даҳшатли ўлими Дониёрни қаттиқ қайфуга солди, унинг қасоскорлик ҳисларини янада авж олдирди. У тумтайиб олган баъзи кезларда унинг кўнглини Нуриджанянгина кўтариб:

— Сабр қилиб турсак бир-икки кун ичида мадад келиб қолар, шунда душманнинг адабини яна яхшилаб берамиз,— деб унга тасалли берарди.

Икки жанговар дўстнинг ташналиқдан лаблари доқадек оқариб, очликдан ранглари бўзариб кетган бўлса-да, қимир этган фашистни қўлдан бой бермасдилар.

Қалъанинг ўқ узадиган тешиги олдида кўкрагидан оғир ярадор бўлган бир сержант инграб ётарди. До-ниёр уни дарҳол таниб қолди, у полк мактабида бирга ўқиган дўсти эди. У Абдуллаевга ялиниб-ёлвориб:

— Мени ўлдириб қўя қолсанг яхши бўлар эди, немисларнинг қўлига тириклай асир тушгандан кўра ўлганим яхшироқ,— дерли.

— Эсингни йиғсанг-чи, нималар деяпсан? — дер эди унга Абдуллаев күйиб-пишиб.

Ярадор сержант ортиқ жавоб қайтармади. Фақат күкарған лабини қаттиқ қимтиб: «Дүстим бўлсанг битта патрон бер», — деб илтимос қиласади Дониёрдан.

Оғир ярадорга патроннинг нима учун керак бўлишини Дониёр пайқаб олди. Немисларга қарши сўнгги ўқни отиш учун кучи етмаса-да, аммо сержантнинг дискаси қуруқ автоматни қўлдан қўйгуси келмасди. Унинг чиндан ҳам душмандан қасос олмоқчи эканини айтганда, Дониёр унга бир йўла иккита ўқ берди. Шундан сўнг ярадор сержант дераза ёнига эмаклаб келиб автоматнинг оғзини ҳовлига тўғрилади-да, лабини қимтиган ҳолда тепкини қаттиқ босди. Ҳовли юзида югуриб келаётган душман автоматчиларидан иккитаси шу он ерга йиқилди. Ўлим олдида турган дўстининг душмандан қандай қасос олганини кўриб, Дониёр дўстининг пешанасидан бир ўпид олди. Ярадорнинг энди гапиришга сира мадори келмай, дераза тагида чалқанча тушиб ётарди. Жанг қилаётган қалъа устидан қанотларини силкитиб салом бериб учиб ўтган совет самолётини кўрган Дониёрнинг юраги шодлик севинчларига тўлди. Аммо самолёт қалъа устида бир лаҳза учди-ю, шу он яна кўздан ғойиб бўлди. Бу ҳолдан ҳайрон бўлган Абдуллаев «наҳотки мадад келмаса», деб хона ичида у ёқдан-бу ёққа югурап, икки кўзи осмонда эди.

Брест қалъасининг ҳимоячиларида мадад келишига ортиқ ишонч қолмаган бўлса-да, лекин улар ҳаққоний иш учун курашаётганликларига, ғалаба қозонишларига ишончлари зўр эди. Немисларнинг тўртинчи армияси штабидан юборилган радио агитмашиналар қалъа ҳимоячиларини зўр бериб таслим бўлишга даъват этар, «бўлмаса қалъани теп-текис қилиб ташлаймиз», деб дўқ уради, аммо уларнинг бу уринишлари беҳуда эди. Тас-

лим бўлиш учун немислар томонидан қўйилган ҳамма муддатлари ўтиб кетса-да, лекин қалъа гарнizonи ҳамон жангни давом эттиради.

Абдуллаев билан Сос Нуриджанян ўша куни немисларнинг зенит тўплари қаттиқ ўққа тутиб турган жой яқинидаги уй ичida туришарди. Қазарма ичи эса портлаган снарядлардан остин-устин бўлиб, деворлар теши-либ кетган, томлар қулаb ётар, Дониёрнинг ўзи ҳам иккита катта хари остида қандай тирик қолганига ҳайрон эди. Баъзан жанг казарманинг хароба уйлари ичida ҳам давом этарди. Фашист автоматчилари отишни тўхтатиш тўғрисида ўз артиллерияларига сигнал бериб, фақат қўлга киритган жойларни мустаҳкамлаб олмоқчи бўларди.

Шу вақт пастдаги уйларнинг бирида юрган Дониёр Абдуллаевнинг казарма харобалари ичидаги ғишт уюмлари устида турган бир тўда немис солдатига кўзи тушиб қолди. Пайтдан фойдаланган Дониёр ўз автоматидан сурункасига ўқ узиб, немисларни битта қўймай қириб ташлади.

Орадан бир оз вақт ўтгач бу ердаги жангчилар, жумладан, Абдуллаев ҳам бошқа хонага ўтдилар. Артиллериядан кучли ўтиб бўлган душман қириб ташланган группалари ўрнига яна бир группа автоматчиларни жангга ташлади. Яна қаттиқ олишув бошланиб кетди. Бу гал атака бошлаган немислар куч жиҳатдан ҳам, қурол-яроf жиҳатдан ҳам анча устун бўлишига қарамай, қамалдаги қўшинларимизнинг руҳан тетиклиги немислардан устун турарди. Бутун мамлакат билан алоқалари узилиб қолган Брест қалъасининг қаҳрамон ҳимоячилари ўзларини Ватан билан ҳамнафас деб ҳис қилардилар.

Фашистлар ҳар қандай қабиҳлик қилишдан ҳам қайтмадилар. Деразалар ва ўқ отадиган тешиклар ол-

дида турган жангчиларимизнинг кўзлари ачиша бошлади. Томоқлар бўғилиб, ҳаво олиш қийинлашди. Абдуллаевнинг ҳам кўзлари ачишиб ёшланди, яқин атрофдаги жангчиларни яхши кўролмайдиган бўлди.

— Немислар газ юборди, газ! — деб қичқирди Абдуллаев. У қийналиб кўзини очиб, юзларига газ ниқоб кийиб олган жангчиларни кўрди. Дониёр чўнтағидан дастрўмолини олиб, флягадаги охирги томчи сув билан ҳўллаб юзига босди.

Энди ортиқ илож қолмаган эди. Шунинг учун командир юзидан газ ниқобини олиб деди:

— Бу ердан бошқа жойга жўнашимиз керак, бўлмаса ҳаммамизни душман газ билан бўғиб, кўр қилиб ўлдирмоқчи.

\* \* \*

Қалъа қачонгача қўлимизда турар экан? Брест қалъасини штурм қилган гитлерчилар қалъа ичидаги озиқ-овқат омборининг куйиб кетганлигини ва қалъа ҳимоячилари қайси куни тўйиб овқат еганларини яхши эслай олмасдилар. Фашистлар тинкани қуритадиган жанглар, форт ва казематларнинг вайрон бўлиб кетганлиги, очлик — қалъа ҳимоячиларини таслим бўлишга мажбур қиласди, деб ўйлар эдилар. Душман асир олган ва ярадор бўлган жангчилар шу даражада ҳолдан тойиған эдики, қовурғалари бармоқ билан санарли эди. Шундай бўлса-да, қалъа ҳимоячилари дастлабки кунлардаги сингари душманни таслим бўлиш тўғрисидаги таклифларини қатъийлик билан рад этиб, жангни давом этдирадилар.

Немис қўмондонлиги атакага борган солдатларига озиқ-овқат олишни қатъиян тақиқлаб қўйди, чунки бир бўлак қотган нон ва бир чақмоқ қанд ҳам қалъа ҳимоя-

## БРЕСТ ҚАЛЪАСИНИ



Турсун Хидиров



Ҳабибулла Абдуллаев



Ефим Яковлевич Лисс

# ЗБЕКИСТОНЛИК ҚАҲРАМОНЛАРИ



Аҳмад Ғафуров



Мамадамин Ҳожиев



Филипп Иванович Лавков



Павел Егорович Сиваков

чилари қўлига тушмасин дер эди. Қалъа ичида қамалиб қолган жангчилар тасодифан сақланиб қолган бир оз нон запаси ва консерва билан кун кечирар эдилар. Бир кун жуда қулай фурсат туғилди, жангчилар команда составининг ошхонасидан фашист автоматчиларини суриб чиқариб, бир қанча килограмм картошка ва донни қўлга туширдилар. Бу озиқ-овқатлар биринчи навбатда ярадорлар, хотинлар ва болаларга берилди. Жангчиларнинг ўзлари эса икки кун давомида ўқ тегиб ўлган отларнинг гўштини тамадди қилдилар. Бу ернинг об-ҳавоси ниҳоятда иссиқ бўлганидан от гўсти сасиб кетди. Қалъа ҳимоячилари разведкага борган вақтда йўл-йўлакай озиқ-овқат қидириб топишни ҳам эсдан чиқармасдилар. Бу соҳада музика командасида тарбияланувчи Петя Клипанинг қўли баланд эди. Автомат ва патрон омборида тимискиланиб юрган ўн беш ёшли трубачи вайрон бўлган военторг магазинига дуч келиб қолади. Петя билан унинг тенгдоши (бу ҳам музикант) — Новиков оғир юк кўтариб, букчайган ҳолда казармага кириб келдилар. Буларни кўриб қолган старший лейтенант Потапов:

— Ўқ ёмғири остида нима қилиб юрибсанлар,— деб бақирди.

Болалар нима дейишларини билмай довдираб қолдилар. Чиндан ҳам улар елкаларига қоп кўтарган ҳолда немислар ўққа тутиб турган майдондан ўқ ва миналарга чап бериб, ниҳоятда тезлик билан югуриб ўтгандилар.

Петя «Военторг» магазинида анчагина озиқ-овқат борлигини ва агар бу овқатларни тезроқ олиб кетилмаса немислар магазинни яна бомбардимон қилиб, озиқ-овқатларни нобуд қилиб ташлаши тўғрисида Потаповга хабар берди.

— Яхши қилибсан,— деди старший лейтенант Кли-

панинг елкасига қоқиб,—ҳозир у ерга яна бошқа жангчиларни юбориб овқатларни олдириб келамиз,— деди.

— Мен яна бораман,— деди Петея күзинин чақнатиб туриб.

— Албатта борасан,— деди лейтенант, унга мулојим кулиб боқиб.

— Ўртоқ старший лейтенант, музика взводимиздаги Имаковни ҳам мен билан бирга юборасизми?— деди ёш музыкант, лейтенантга дадил.

— Майли, боринглар, қўли бўш жангчилар бораверсин,— деди Потапов Клипага.

Шу пайт немислар кучли ўтиб қолди. Клипа, Имаков ва Сафаровлар девор ости билан судралиб магазин гомон кетдилар. Ўлар магазинга яқинлашиб борганларида уларни гарнizon клубига жойлашиб олган немис пулемётчилари бирдан ўқса тутиб қолади. Аммо уч азamat бир илож қилиб хавфли участкадан ўтиб оладилар-да, «Военторг» яқинидаги казармага жойлашиб олган душман автоматчилари пистирмасига дуч келиб қоладилар.

— Келдик,— деди Клипа шерикларига,— вайрон бўлиб кетган жойга тушиб арпадан қилинган бир яшик кофени олиб чиқаркан.

Жангчилар бу ердан бир оз шоколад, конфет, печенье, сухари, қанд ва яна баъзи бир бошқа нарсаларни ҳам топиб чиқдилар. Кейин орқаларига қайтдилар. Олиб келинган озиқ-овқатлар тақсимланиб икки қисми подвалга жойлаб қўйилди ва уни ярадорлар, аёллар ва болаларга бериладиган бўлинди. Қолганини эса жангчиларга бир текисда тақсимлаб берилди. Сафаров ўзига тегишли озуқани олмади-да, старшинага деди:

— Буни ҳам ярадорларга бера қолинг.

Шу кунларда ҳеч нарсага ажабланмайдиган бўлиб қолган старшина Иброҳим Сафаровга жавобан:

— Сен жангисан, ахир, қорнинг оч бўлса милтиқ кўтаролмай қоласан,— деди.

Эртасига эрталаб учала жангчи яна хароба «Военторг» магазинига бориб, озиқ-овқат қолдиқларини топиб келмоқчи бўлдилар. Аммо бу сафар анча қийинчиликларга дуч келдилар. Орадан бир кун ўтгандан кейин бу йигитларга қўшилган сиёсий қисм ўринбосари Қастюпин билан бир чегарачи жангчи казармага тўрт банка консерва ҳамда бир оз нўхат олиб келди. Нўхат ошхонадаги қозондан олингани сабабли қўланса ҳид анқиб турарди. Бу озуқаларни қўлга киритиш учун ошхона ичida немис автоматчиларига қарши қандай кураш олиб борилгани тўғрисида сиёсий қисм ўринбосари ва чегарачи ҳеч кимга чурқ ҳам этмадилар.

— Буни қаердан топдиларинг,— деб сўради Михайловский, улардан.

— Ўша ердан...— деди Қастюпин бошини қимиirlатиб, соатини буаркан.

Уруш бошлангандан буён у ўзининг кундалик хотира дафтарига ҳеч нарса ёзмай қўйган эди, чунки самолётга ўхшаб ловиллаб ёниб турган қалъа ичida хотира дафтарга бир нарса ёзиш амри маҳол эди.

Қастюпиннинг соатга қараб қўйгани бежиз эмас эди. Бу билан у қалъанинг яна қанча вақт қамалда туришини, очлик, ёнғин ва урушнинг қанча вақтга чўзилишини ўзича гўё чамалаб қўйгандек бўлар эди. Лекин қалъани яна кўп вақтга қадар қўлда ушлаб туриш зарурлиги ва мумкинлиги унинг қалбига қаттиқ жо бўлиб қолган эди.

## **БРЕСТ МУДОФААЧИЛАРИДАН БИРИ**

Ўзбекистонлик баҳодир Турсун Хидиров ҳам Брест қалъаси мудофаасининг қаҳрамон ҳимоячиларидан биридир. У ёшлик йилларини Самарқанд облатининг Хатирчи районига қарашли Бошқора қишлоғида ўтказган.

Хидиров қишлоқ мактабининг етти синфини тамомлаганидан сўнг, тракторчилар тайёрлаш курсига кириб ўқиди. Уни битирганидан кейин ўз қишлоғидаги «Бирлик» колхозида тракторчи бўлиб ишлади.

Турсун Хидиров 1940 йилнинг сентябрь ойида ҳам-қишлоқ дўстлари — Оллоқул Жўраев, Бобоназар Шерматов, Маъзам Қаршиевлар билан бирга мажбурий ҳарбий таълимни ўташ учун армия сафига чақирилди. Уларни ҳарбий хизматни ўташ учун Брест қалъасида жойлашган 125-ўқчи полкига юбордилар.

Орадан кўп ўтмай Улуғ Ватан уруши бошланиб, бизнинг йигитларимиз ҳам шу уруш гирдобига тушиб қоладилар.

Ҳарбий хизмат даврини, даҳшатли урушнинг дастлабки кунларидағи жангларни ва Брест қалъасининг қаҳрамонона мудофаасини тасвирлаб Турсун Хидиров бундай деб ёзади:

— Биз ҳарбий эшелонда фарбга қараб йўл олган эдик. Бир неча кундан кейин Брестга етиб бордик. Мен

қалъадаги 125-полкка қарашли 2-батальондаги 4-ротанинг 1-взводида хизмат қила бошладим. Сафда юришини машқ қилдик, қуролларнинг қисмларини ўргандик, сиёсий билим олдик.

Чегара биз турган ерга яқин эди. Қирқ биринчи йилнинг 1-Май байрами арафасида солдатларимиз иккита диверсантни тутиб олдилар. Диверсантлар чегарадан пулемёт ва запас патронлар олиб ўтган эканлар. Аниқланишича, уларга Брест гарнизонида 1-Май байрами муносабати билан бўладиган парад қатнашчиларига қарата ўқ очиш ҳақида топшириқ берилган экан. Бунинг устига ўша кезлари немис самолётлари ҳаво чегараларимизни тез-тез бузиб ўтадиган бўлиб қолди, лекин уларнинг бу уриниши ҳар сафар қирувчиларимизнинг парвоз қилиши билан хотима топар, осмонда пайдо бўлган душман самолётлари бирпасда жуфтакни ростларди.

Одатдагича эрталабдан машғулотлар бошланган. Кечга яқин бизлар казармага қайтиб қуролларимизни тозаладик. Дам олиш кунлари киядиган озода кийимларимизни кийиб, саф тортиб полк клубига бордик. Ушанда кўрган фильмимнинг номини ҳозир эслай олмайман. Аммо экранда пахта теримини кўрганлигим эсимда. Фильм тугаши биланоқ взводимизни полк штабига чақирдилар. Қош қорайиб қолган эди. Бир неча офицер шаҳарда бўладиган концерт ҳақида жон күйдириб баҳслашар эди.

Взводимизни ошхонага нарядга тайинлашиди. Биз казармага қайтиб келиб жомакорларимизни кийдик. Бўлим командирлари ҳар биримизга алоҳида-алоҳида иш топширди. Мен ўчоқ бошида картошка тозаладим, гўшт тўғрадим, полларни ёғ тушса ялагундай қилиб ювдим. Ўчоқ боши электрлаштирилган, жуда ҳам озода эди...

Кечаси соат тўртлар чамаси. Солдатлар маза қилиб уйқуни урар, мен ҳам ўтирган еримда мудраб-мудраб кетар эдим. Уйқуни қочириш учун кўчага чиқдим. Кўк юзини қора булут қоплаган, йироқдан самолётларнинг ғувиллаган овози эши билади. Шу он миномёт ротасининг дневальниги югуриб олдимга келди. Биз, учувчи-ларимиз тунда машқ қилаётган бўлса керак, деган ўйга бордик. Лекин автоматдан бирданига кетма-кет ўқ узилди. Бир нафасдан кейин чегаранинг нариги ёғида осмон жуда ёришиб кетгандай бўлди. Тўпларнинг гумбурлагани, пулемётларнинг гариллагани барада эши билди.

Мен оёғимни қўлга олиб казармага қараб чопдим. У ерга етиб боргач, аллақандай команда бердим. Аммо командамга ўрин қолмаган эди: снарядлар қулоқни батанг қилгудай шовқин-сурон билан полк турган жойга тушиб ёрилмоқда эди. Солдатлар бўлса ўринларидан сапчиб туришиб, апил-тапил кийинар, қуролларини олиб коридорга югуриб чиқишлиари билан чалқанчасига йиқилар эдилар.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтай. Бизнинг ўқчи полкимиз қўргон орқасидаги мустаҳкам тепаликка ўрнашган эди. Полкнинг кўп анжомлари усти яхши беркитилган чуқур ертўлада эди. Тепалик устидаги икки қаватли казарма биноси эса нишонга жуда тўғри эди. Фашистлар олдиндан пухтагина тайёрлик кўрган бўлса керак, казарма коридорининг зинаси бўйлаб ўқقا тута бошладилар.

Солдатлар деразаларга ташландилар. Иккинчи қаватдан уларнинг устларига полк мактабининг курсантлари сакраб тушмоқда эди.

Мен қўл пулемёти билан дискли қутини олиб деразадан сакраб тушдим-да, казарманинг бурчагига қараб чопдим ва ерга узала тушиб олиб, чегара томонга қаратса тез-тез ўқ уза бошладим.

Ҳали тун қоронғи әди. Буг дарёсининг устидан қалин туман күтарилиб келаверди. Солдатларимиз таҳлика ичидә ўзларини ҳар ёққа урадилар. Назаримда, мен отаётган ўқлар бефойда кетаётганга ўхшарди. Чоратрофда снарядлар билан авиабомбалар пайдарпай портлаб турар, ўқлар чийиллар, ярадорлар инграр, юз берган бу ҳолдан ақли ҳушини йўқотиб қўйған кишилар бақиришар әди. Командирнинг: «Менинг кетимдан олға!» деган баланд овозини эшишиб ҳаммамиз ўрнимиздан сапчиб турдик. Командир штаб офицерларидан бири әди. Биз унинг кетидан гоҳ чопиб, гоҳ ерга ётиб, судралиб юриб, ўқ тушиб турган жойдан чиқиб олдик.

— Тонг ёришмасдан қулай позицияларни эгаллаб олишимиз, ёрдамчи кучлар етиб келгунча душманни Бугдан ўтказмай туришимиз керак! — деди капитан белгиси таққан бу офицер.

Биз кучли равишда ёғдирилаётган ўтдан яширина яширина бир амаллаб кийим-кечак ва озиқ-овқат омборига етиб олдик. Омборнинг пишиқ ғиштли деворлари бизни ўқдан ва снаряд парчаларидан пана қилиб турарди. Омбор ичидә бир неча солдат билан бир артиллериячи лейтенант бор әди. Ҳаммаси бўлиб бу ерга йигирма киши тўпландик. Капитан қуролларни ва ўқдориларни бир кўздан кечириб чиқди. Бизнинг ихтиёри мизда иккита тўла дискли қўл пулемёти, карабинлар, миљиқлар, шуларнинг ҳар бирига яраша қирқтадан патрон, икки пистолет учун иккитадан обойма бор әди, холос. Гранатамиз эса йўқ. Бу ўқ-дори билан узоқ жон сақлаш қийин әди. Полк, қўшин, танк ва артиллерия қисмларимизни душман тўплари, пулемётлари тинимсиз ўққа тутиб турибди. Олов ичидә қолган қўргонга немисларнинг бомбардимончи самолётлари тинмай ҳужум қилмоқда әди. Қуёш чиқа бошлади.

Биздан бир километрча нарида, Буг дарёсининг на-

риги тарафида понтонлар юклаган мотоциклчилар, пиёда аскарлар тушган немис автомашиналари кўриниб қолди, улар дарёдан ўтишга шошилмоқда эдилар. Бизлар душманга қарши тиккадан ўқ узишимиз мумкин эди-ю, капитанимиз командасиз отмасликка бўйруқ берди.

Эрталаб соат саккизларда немислар суза-суза дарёнинг ўртасига келиб қолганда, ҳавода бизнинг икки самолётимиз пайдо бўлди. Улар пастлаб учеб, душман-солдатлари устига бомбалар ташлаб, пулемётлардан ўт очиб юборди.

— Огоны!— деб қатъий команда берди капитан шу он. Қейин ўзи пулемётдан шиддатли ўқ ёғдира бошлади. У немисларни аниқ нишонга олар, калта-калта ўқ узиб, кўплаб қириб турарди. Биз ҳам тезда ундан ўрнак олдик. Биз селдек ёғдирган ўқдан немислар бир-бирининг устига йиқилиб тушар, автомашиналар ёниб кетар, мўлжал билан улоқтирилаётган бомбалар зарбидан понтонлар чилпарчин бўлиб ҳавога учар эди.

Самолётлар ўқ-дориларини тугатиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Ўқларимизнинг қарийб ҳаммасини отиб бўлганимиз учун биз ҳам жим бўлиб қолдик. Немислар дарёдан ўтиш фикридан қайтиб, ҳавога кузатувчи аэростатлар қўйиб юборди. Аммо қалъадан отилган пулемёт ўти билан бу аэростатлар уриб туширилди. Фашистлар энди ўз автоматчиларини биз томонга моторли қайиқларда ўtkаза бошлади. Қайиқлар йўлни тез-тез ўзгартириб, бизнинг соҳилимиз томон сузиб келаверди. Автоматчилар соҳилга тушиб қайиқлардан чиқдилар-да, снарядлар билан бомбалар ўйиб ташлаган чуқурларга жойлашиб олдилар. Биз саноқли ўқларимизни жуда тежаб ота бошладик.

Ўнг томондаги қўшинларимиздан эса садо чиқмас, ҳамма ёқни тутун ва чанг-тўзон босган; ҳар лаҳзада

снарядлар билан бомбалар гумбурлаб ёрилар, шунинг учун чап томонимизда ва қалъада нималар бўлаётганини билиб бўлмасди.

Капитан омборни ёндириб юборишга буйруқ берди. Биз кийим-кечакларни тўплаб мой солинган яшиклар устига қаладик-да, устига мой сепиб, ёндириб юбордик. Ҳамма ёқни сассиқ тутун қамраб олди, шундай бўлсада, биз омборда ўтира бердик. Қош қорая борса-да, маддаддан дарак йўқ эди. Қейин биз ўқ-дори йифиш ва омон қолган жангчиларга қўшилиб олиш учун ўз позициямизни ташлаб чиқдик.

Йўлда, отларни ювадиган кўлдан сув ичиб ташналигимизни қондирдик. Мен ярадор бўлганимни шу ергина сездим. Чап болдиримнинг гўштини снаряд парчаси шилиб кетган экан. Шунга қарамай, бизлар омбордан ўқ-дори, гранаталар олиб, йўлимизда давом этавердик.

Немислар бизнинг полк турадиган жойда экан. Бизникилар эса тепаликдаги қулай позицияни эгаллаб олиб, ҳужумни даф қилиб туришибди. Биз омон қолган полкдошларимизга келиб қўшилиб олдик.

23 июнда немислар қаттиқ бомбардимон қилиб, тўплардан ўқ отиб турганига қарамай, бизлар пулемёт ва милтиқлардан ўт очиб немисларнинг йўлини тўсиб турдик, уларнинг қалъа атрофини ҳалқа қилиб ўраб олишларига йўл қўймадик. Кечаси билан ўқ-дори йифиб, немис автоматчиларнинг эрталабдац бошлаган атакаларини даф этиб турдик.

24 июнь куни капитанимиз ҳалок бўлди. Снаряд қўли билан оёгини узиб кетганди. У жон бера туриб, тўрт яшар ўғли Вовканинг: «Олга, фашистларни аямасдан қирингиз!» — деган сўзларини эслади-ю, ҳаётдан кўз юмди.

Келаси тунда яна ўқ-дори ғамлаб, эгаллаган позицияларимизда қимирламай маҳкам турдик.

Бир вақт орқамизда мудофаамизни ёриб ўтган немис танклари ва моторлаштирилган пиёда аскарлари пайдо бўлди, теварагимизда ва қалъа атрофида эса ҳалқа ҳосил бўлди. Лекин биз турган тепалик ён бағирдан уларнинг бу танклари, моторлаштирилган пиёда аскарлари ўта олмади. Биз душманга катта талафот етказавердик.

Ўқ-доримиз тугамагунча бизларни ҳеч нарса қиломаслигини фаҳмлаган душман ўқ-дори омборимизни бомбардимон қилишга кириши.

26 июнда немис пиёда аскарлари атакага ўтди. Сафимизда юзга яқин киши қолган, барча патронлар эса қўл пулемётига берилган эди. Офицер Харьков қулай жой танлаб пулемёт ёнига бориб турди, мен эсам унинг ёнига ўрнашдим. Пулёметдан отилган ўт ҳимоясида биз отлиқ аскарларнинг қиличлари, найзасиз карабинлар, миљтиқлар ва ўқсиз автоматлар билан атака бошлаб душман устига ёпирилдик. Бу атакада кўп йигитларимиз мардона ҳалок бўлди. Аммо биз ҳам фашистлардан кўп кишини қириб ташладик, улар қайтадан атака қилишга ботина олмади, лекин қасос олиш учун устимизга бомба билаш снаряд ёғдириб турди.

Кечаси бомбардимон яна кучайиб, артиллериядан тинмай ўқ ёғилиб турди. 27 июнь эрталабга борганда сафимиз сийраклашиб йигирма киши қолдик. Ўзимиз қонга беландик, контузиядан кар бўлдик, чанқадик, қорнимиз очди, дармондан кетдик. На кучимиз, на гранатамиз ва на патронимиз бор. Навбатдаги бомбардимон ва артиллери яхужумидан кейин фашистлар атакага ўтган эди...

Мен биқинимга теккан кучли тепкидан ўзимга келдим. Тепамда беўхшов бир фашист туради. У оғзини очди, автоматини силкитди, ерга бир тупуриб олди. Портлаш овозидан қулоғим битиб қолгани учун мен ҳеч

нарса эшитмасдим. Ўртоқларим суюб ўрнимдан турғазишиди. Фашистлар мильтиқ құндоқлари билан уриб, бизни ҳайдаб кетишиди. Дарё кечувига етганды тұхталиб қолдик: қаршимиздан тұхтовсиз немисларнинг пиёда аскарлари, артиллерияси, танклари келмоқда эди.

Дарё бўйига янгидан-янги асиirlар келтирилар, фашистлар уларни жуда қаттиқ таъқиб этарди. Асиirlар орасида хотин-қизлар, ёш болалар жуда кўп эди. Ярим яланғоч, қоп-қора қонли бинтларга ўралган, уйқусизлик, очлик ва ташналиктан ҳолдан кетган бу одам болалари ҳам бизга ўхшаб оёқларини аранг босиб турарди. Фашист каллакесарлар офицерларга «руссиш комиссариен» деб зуфум қиласар, уларни аёвсиз савалар ва хотин-қизлар билан болаларнинг кўз олдида уларни отиб-отиб ташлар эди.

Дарё кечувидан бир неча соат қаттиқ азоб тортдик, кўп кишиларимизни отиб, сувга улоқтириб юборди. Сўнгра хотин-қизлар билан болаларни дарё бўйида қолдириб, фашистлар бизни ҳайдаб кетди.

Дарё кечувидан уч юз метрча наридаги уй олдида (бу ер штаб бўлса керак), катта майдонда отиб ташланган совет солдатлари билан офицерларининг мурдалари уюлиб ётар эди. Тез юриб келаётган автомашиналар ва танклар тўғри мурдаларни босиб ўтиб кетар эди.

Фарбий Европани босиб олиш даврида жиддий қаршиликка учрамаган гитлерчилар бизнинг мамлакатимизда енгилгина ғалаба қозониш орзусида эди. Аммо совет халқига қарши урушнинг дастлабки кунларида ёк улар мисли кўрилмаган талафотларга учраб, кимдан алам олишни билмай, итдек қутурғанди. Танклар ва автомашиналар масхарали қаҳқаҳа билан асиirlар колоннаси устига тикка ёриб кирап, юзлаб кишиларни ма жақлаб кетарди. Қонга беламган, ҳолдан тойған, ариқдан сув ичиш учун орқала қолиб кетган кишилар отиб

ташланар ёки найза санчиб ўлдириларди. Бир бурда нон ёки бир чөлак сув бериш учун бизга ҳайрихоҳлик кўрсатган поляк деҳқонлари ўз ҳаётлари билан товон тўлар эдилар.

Учинчи кун деганда бизларни Польшанинг Бела-Подляска деган жойи яқинидаги лагерга келтириб ташладилар. Бу жой атрофи тиканли сим ва вишкалар билан ўраб олинган катта бир яйдоқ дала эди. Лагерни кучуклар қўриқлар эди. Бу ерга бир неча кунгача гуруҳ-гуруҳ асиirlар келиб турди. Асиirlар, фельдшерлар, врачлар соқчилардан яшириқча ярадорлар билан касалларга кечалари медицина ёрдами кўрсатиб туардилар. Ўларнинг бу ҳаракатларидан камроқ наф тегса ҳамки, лекин у бечораларнинг ўз ватандошлари кулфатини енгиллаштиришдан бўлак ҳеч қандай истаклари йўқ эди.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб борарди. Бизга фашистлар ҳеч нарса бермасди: на овқат, на сув. Ерни қўлимиз билан ковлаб лагернинг у ер-бу еридан картошка қазиб олардик-да, уни хом-хатала ердик. Бутун тирикчилигимиз шундан иборат эди. Бахтимизга тез-тез ёмғир бўлиб туар ва чуқур жойларда тўпланиб қолган сувлар дарров қуриб қолмас эди. Ташиалигимизни шундан қондирардик. Ҳар куни ўнлаб кишилар дармонсизликдан ва юрак буруғи касалликдан ўлиб туарди. Контузия бўлган ва кўкрагидан оғир яраланган ҳамқишлоғим Олимов ҳам худди шу ерда, менинг ёнгинамда жон берди.

Орадан ўн кунча ўтгач, беш юз кишини, шулар қатори мени ҳам, Польшанинг Седлец шаҳарчаси яқинидаги лагерга кўчирдилар.

Бу ерда ҳам соқчилар бераҳм, ёвуз эди. Гитлерчилар атайлаб вишка устида чекиб бўлган папиросларини ерга ташлардилар. Уни олмоқчи бўлган асиirlарни «тар-

тиб бузувчи» деб автоматдан отиб ташлардилар. Бу гитлерчилар учун қўнгил очар ўйиндай бир нарса эди. Машинадан тўкилиб қолган картошка ёки карам баргини ердан олмоқчи бўлган кишиларни ҳам отиб ташлардилар. Вақти-вақти билан эса «тафтиш» ўтказиб турардилар. Ҳаммани сафга тизиб, аввал яҳудийларни олдинга чиқарардилар-да, уларни шу ондаёқ отиб ташлардилар.

Ҳар биримизга бир кунда бир марта карам барги, картошка солиб кепакдан қилинган бир чўмич бўтқа берардилар. Бу бўтқа учун эрталабдан-кечгача навбат кутишга тўғри келар эди. Идиш йўқлигидан бўтқани шинель ва гимнастёркаларнинг этагига, фуражка ва пилоткаларга солиб берардилар.

1943 йил охирида бизларни Варшава ёнидаги лагерга кўчирдилар. Бу ерда биздан илгари поляк яҳудийлари турган экан. Фашистлар уларни отиб ташлабди. Бизни ишга чиқармай, очликда қантарарадилар. Бизни 1942 йил ёзидан бери австрияликлар қўриқлаб келганди. Бизнинг устимииздан соқчилик қилиш учун яна эс-эсчилар қўйилди. Энди бошимизга бундан ҳам ёмон аҳволлар тушадиган бўлди.

Икки ҳафтадан кейин бизни эшелонга ортиб, қаттиқ назорат остида аллақаёққа олиб кетдилар. Узоқ йўл босдик, икки ҳафта деганда шимолий Голландияга етиб бордик. Фашистлар бу ерга иттифоқчи қўшинларнинг ташланишидан хавфсираб, бизни қирғоқ бўйини мустаҳкамлашга олиб келган эканлар.

Бизларни юзтадан қилиб группаларга бўлдилар-да, немис аскарлари турган посёлкаларга жойлаштирилар. Бу аскарлар 1941—1942 йилларда бизга зулм қилган каллакесарларга ўхшамас эди. Ўларнинг ўртасида кўпгина кекса ишчилар, деҳқонлар ва майда савдогарлар бор эди. Улар Гитлер Германиянинг бошига қандай

кулфатлар солғанлигини яхши пайқаб олган кишилар эди. Голланд партизанларининг дадил ҳаракатлари уларнинг кўзини очиб қўйган экан: партизанлар ҳарбий эшелонларни ағдариб турар, гитлерчиларнинг кемалари портлатилар, чўктирилар эди.

Мамлакатни асоратга солғанлиги ва талаганлиги, қиз ва йигитларни тутиб Германияга жўнатиб турганлиги учун ерли халқ босқинчиларга нафрат билан қарарди. Биз голланд тилини билмасак ҳам, гитлерчиларга бўлган нафратимиз бизни ерли аҳоли билан тезда дўстлаштириб қўйди. Солдатлар бизни ишга чиқариб, ўzlари кечқурунгача дайдиб юрарди. Бу ҳол аҳоли билан алоқа боғлашимизга имкон берарди. Голландлар озиқ-овқат танқислигидан қийналган бўлсалар-да, сўнгги бурда нонларини ҳам биз билан баҳам кўрар, фронт янгиликларини қувониб сўзлаб берардилар. Асирга тушганимиздан бери энди ўзимизни биринчи марта дўстларимиз орасида юргандай ҳис қила бошладик.

Биз тош йўл бўйига бомбардимондан яширинадиган жойлар қурдик, қирғоқ қозиқлар ўрнатдик. Бизни қўриқлаб турган немислар ўzlари ҳам бу тадбирга ишончсизлик кўзи билан қарадилар.

1945 йил кўкламига келганда фашистларнинг биз билан ишлари бўлмай қолди. Улар партизанлардан жон сақлаш учун қирғоқ бўйида ўzlарини у ёқдан-бу ёққа урар, ўқ-дори ва қурол-яроғ омборларини тугатар, кўприкларни бузар, дамба-тўғонларни портлатар, инглиз ёки америкаликларнинг ҳаво десантлари қўниши мумкин бўлган жойларни сувга бостирап эдилар.

Голланд партизанлари фурсатдан фойдаланиб биз билан алоқа боғладилар. Биз улар билан бирга ҳужум қилишга тайёр бўлсан ҳам қуролимиз йўқ эди. 6 майда инглизлар партизанларга самолётлардан қурол ташладилар. Биз ҳам қуролландик. Аммо бу қуроллардан

фойдаланишга улгура олмадик. Немислар мамлакатла-  
ри ичкарисига чекиниб кетдилар. 7—8 майда қирғоқ  
бүйиге инглиз ва америка қўшинлари туширилди. Гит-  
лерчилар таслим бўлдилар.

Биз фашистлар асоратидан озод бўлганимизни  
голланд меҳнаткашлари билан бирга байрам қилдик.  
Бизни Голландияда қолишга астойдил қисташди. Аммо  
ҳаммамиз Ватанга қайтишни сабрсизлик билан кутар-  
дик. Бизни кузатиш учун қарийб бутун Роттердам аҳо-  
лиси чиқди деса бўлади.

Бир неча кундан кейин биз гитлер фашизми устидан  
қозонилган оламшумул ғалабанинг шон-шуҳратига чўм-  
ган Совет Армияси солдат ва офицерлари орасига ки-  
риб келдик.

\* \* \*

Брест қалъасининг қаҳрамони Хидир Турсунов ҳо-  
зир Магадан обlastидаги конларнинг бирида хизмат  
қилмоқда.

## **АСЛО ЭСДАН ЧИҚАРМАЙМАН**

Самарқанддаги пойафзал фабрикасининг инструменталь цехига кириб бориш биланоқ мен уни танидим. Бу киши билан Брест қалъаси қаҳрамонона ҳимоясининг йигирма йиллик кунида, яъни 1961 йилнинг 22 июнида учрашган эдик. Бу номлари тарих китобига абадий ёзилган Ефим Яковлевич Лисс эди.

... Ёш ўспирин Ефим 1940 йили Самарқанд пойафзал фабрикасида ишлаб ва сиртдан ўқиб юрган кунларида армия сафига чақирилди. У ҳарбий хизматни Брест қалъасига жойлашган қизил байроқли дивизиянинг полковник Матвеев командирлик қилган 333-ўқчи полкида ўтай бошлади. Кейинчалик уни капитан Дишишливили бошлиқ полк мактабига ўқишига ўтказдилар. Мактабда уч ой ўқигандан сўнг, уни музикачилар взводига ўтказдилар. Чунки, Ефим музика чалишни яхши билиарди.

Музикачилар взводи 1941 йилнинг 21 июнь — шанба куни кечаси Брест шаҳри паркида бўлган томошага тушиб, казармага кечаси соат бирларда қайтди.

Жангчилар казармага келганда ҳам кўп вақтгача ухлаёлмай чақчақлашиб ўтиридилар ва ниҳоят ухлашга ётдилар. Ҳаммадан кейин ухлашга ётган Ефим кўзи илинар-илинмас осмонда жуда пастлаб учиб юрган са-

молётнинг гулдураган ваҳимали овозини эшилди. У, ўзимизнинг самолётларимиз бўлса керак, деган хаёл билан мизғий бошлади.

Ер-кўкни ларзага келтирган портлаш овози ҳаммани ўрнидан турғазиб юборди. Ефим ётган казарма худди ер қимиirlаётгандай ларзага келиб, деворларда осифлиқ турган музика асблоблари ҳар томонга сочилиб кетди. Замбараклардан отилаётган снарядлар ҳамма ёқни остин-устин қилиб ташламоқда эди. Чил-чил бўлиб синиб кетган казарма ойналари орқасидан қичқириқ овозлари эшитила бошлади.

Ефим этик, шимини кийишга улгурмасданоқ «Қуролланингиз!» деган командани эшилди. У пирамидада турган милтиқдан бирини олиб, ўртоқлари билан коридорга югуриб чиқди. Ярим яланғоч жангчилар казарма ҳовлисига эмас, подвал ичига қараб югуради. У ҳам подвалга тушди. У ердагилар бир-бирларидан нима воқеа бўлганини сўрар, ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Шу маҳал подвалга старший лейтенант Патапов билан лейтенант Санин югуриб кирди. Патапов дарҳол жангчиларга мудофаани эгаллаш тўғрисида буйруқ берди.

Ҳамма жангчилар қуролларини шай қилган ҳолда подвал ичидан казарма майдонига қараб туарди. Шу пайт улар казарма майдонида югуриб келаётган фашист автоматчиларини кўриб қолдилар. Полк комсомол ташкилотининг секретари С. Матевосян бошчилигида 84-ўқчи полкининг жангчилари босқинчиларга қарши жанг бошлаб юбордилар. Совет жангчиларининг аҳиллик билан қўққисдан берган зарбаларидан эс-ҳушини йўқотиб қўйған фашистлар ура қоча бошлади, жангчиларимиз эса уларнинг кетидан қувиб бориб ҳаммасини қириб ташлади. Фашистларнинг бошқа группаси Тересполь дарвозаси томондан атакага кўтарилган эди, жангчиларимиз улар устига қуюндай ўтиб, уларни ҳам чеки-

нишга мажбур қилди. Душманнинг қутуриб қилган биринчи атакаси муваффақият билан қайтарилиди.

Душман гарчи талафот кўрган бўлса ҳам, яна атакага кўтарилади. Старший лейтенант Патапов ва лейтенант Санин бошчилик қилган жангчилар душман атакаларини қайтариб турди.

Қалъа майдонида гитлерчиларнинг ўликлари сулаийиб ётар, бинолар алсанга олиб ёнарди. Подваллар ичидага ярадор жангчилар, хотинлар ва болалар ўтиради. Кунлар мана шундай даҳшатли жанглар билан ўта бошлади. Ўқдори, озиқ-овқат, дори-дармонлар етишмай қолди. Музвоздонинг командири ўт-олов ичидаги, аллақаердан озиқ-овқат топиб келди. Бу озиқ-овқатлар биринчи навбатда болалар ва ярадорларга берилиди. Улардан қолгани жангчилар ўртасида тақсимланди.

Урушнинг олтинчи куни старший лейтенант Патапов 18 жангчини ўз ёнига олиб, госпиталь биносида турган танкчиларимизга қўшилиб олиш учун душман ҳалқасини ёриб ўтишга буйруқ берди. Бу кичик группа жанг қилиб, госпиталь биносига яқинлашганда фашистлар ўт очиб юборди. Бу ерда кўпгина жангчиларимиз ҳалок бўлди. Ефим оёғи ва қўлидан оғир ярадор бўлиб, кўп қон кетганидан ҳушидан кетиб йиқилди. Оғир ярадор бўлганларни фашистлар асир қилиб олди. Ефим ва унинг жанговар дўстлари аввал Бела-Подляска, сўнгра Бельгия ва Голландиядаги ҳарбий асирлар лагерларида азоб чекди. Ефим Бельгиядаги лагердан қочиб кетаётганда қўлга тушди. Фашистлар уни ўлгудай калтаклаб, Райн шаҳридаги заводга олиб борди. Очлик ва оғир меҳнат натижасида Ефим тиф касалига дучор бўлиб, бир неча ой ётди. Тузалиб чиққандан сўнг уни Нордгорн шаҳридаги ҳарбий асирлар лагерига қамадилар. Яна азоб, яна очлик...

Ефим 1945 йилнинг бошларида лагердан қочиб, Со-

вет Армия қисмлари сафига келиб қўшилди ва қурол олиб, фашист газандаларидан қасос олишга киришди. Душманга қарши курашда кўрсатган жасурлиги учун у ҳукуматимиз томонидан «II даражали Ватан уруши ордени» билан мукофотланди.

Ефим Яковлевич Лисс уруш тамом бўлгандан сўнг, армия сафидан бўшаб, яна Самарқандга, ўзи армияга чақирилган жойи — пойафзал фабрикасига келиб ишлай бошлади. Ефим Лисс ҳозир фабриканинг инструменталь цехида бошлиқ бўлиб ишламоқда.

Биз, Ефим Яковлевич билан суҳбатлашар эканмиз, у, бўлиб ўтган воқеаларни, Брест қалъаси ҳимоячила-ридан Хидир Турсунов ва жангларда ҳалок бўлган бош-қа жанговар дўстларини эсга олиб: «У кунларни асло эсдан чиқармайман», — дейди.

## **ШОНЛИ ЙУЛ**

Брест қалъасида фашист босқинчиларнинг биринчи зарбасига бардош берган ва қалъани қаҳрамонона ҳимоя қилганлардан бири — Филипп Иванович Лаенковдир.

1941 йил 21 июнь кечқурун соат 6 да старший сержант Лаенков қисм навбатчисига ёрдамчи бўлиб вахтада турди. Бундай навбатчилик якшанба арафасига тўғри келганлиги уни бир оз ранжитган бўлса-да, аммо полкда ўтказилган отиш мусобақасида биринчи ўринни олган аълочи отувчини рафбатлантириш учун берилган отпуска гувоҳномаси унинг кўкрак чўнтагида турарди. Отпускага қадар қолган уч куннинг бирида навбатчилик қилса нима қипти!

Старший сержант тунда қоровулларни текшириб чиқиб, командирга рапорт берди ва бир оз мизғиб олиш учун навбатчилар хонасидаги столга суюнди. Аммо қоронғи кечада ҳамма ёқни ларзага келтирган, даҳшатли овоз қисқа муддатли уйқуни бузди. Тўп ўқларининг гумбурлаб портлашини эшигтан Лаенков ўрнидан қандай қилиб сапчиб туриб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. «Урушни бошлаб юбордилар, уруш, ифлослар!»— дея ташқарига чиқиб қулоқ солди. Эрта-

лаб соат еттида алоқачи полк навбатчиси ёрдамчиси-  
нинг олдига келиб шундай деди:

— Ўртоқ старший сержант. Осмонга қаранг, алла-  
қандай ғалати нарсалар кўриняпти.

Лаенков югуриб ҳовлига чиқди. Чегара чизиги то-  
мондан янги, ҳалигача кўрилмаган турли рангдаги  
ёруғ юлдузлар товланиб кўринарди. Улар бутун фар-  
бий уфқни қоплаб олганди. Тез орада кучли гумбур-  
лаш эшитилди.

«Самолётлар бўлса керак», — старший сержантнинг  
хаёлига шу гап келди ва у навбатчи томонга қараб  
югурди. Аммо навбатчини — младший лейтенант Дан-  
ковцевни тополмади: у қоровулларни текшириб юр-  
ганди.

Шу дақиқадан бошлаб бирин-кетин кучли портлаш-  
лар бўлаверди. Ёрқин чақмоқ ҳарбий шаҳарчани кун-  
дуздай ёритиб турарди. Дераза ойналари чил-чил бў-  
либ томлар қулаб туша бошлади.

Лаенков яшин тезлигидан казармага кириб команда  
берди:

— Қуролларингни олинглар! Ҳарбий тревога!

Бу — Брест қалъаси ҳимоячиларини оёққа турғизган  
биринчи команда эди.

Команда билан ўринларидан сапчиб турган солдат-  
лар тонг қоронғисида жанг бошлаб юбордилар. Мухо-  
вец дарёсининг кўприги ёнидаги даҳшатли жанглар —  
Улуғ Ватан урушининг дастлабки куни бошланган  
қонли жангларнинг биринчиси эди.

Шахсий состав дарҳол мудофаага ўтди. Ҳамма  
ёқда душман бомбалари, снаряд ва миналар портлар,  
ярадорларнинг инграши, оҳ-воҳи эшитиларди.

— Парокандаликка йўл қўйилмасин, — деди Лаен-  
ков бўлинма командирлари — сержант Родченко, Шо-  
лохов, Кривобородов ўртоқларга ва шу ернинг ўзидаёқ

кўприкни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ҳақида буйруқ берди.

Старший сержант тезда лейтенант Виноградов ва полк комиссари Фомин билан алоқа боғлади. Улар ҳам Муховец дарёси орқали ўтадиган кўприкни қандай бўлмасин сақлаб туриш ҳақидаги кўрсатмани маъқуллашди.

Гитлерчиларнинг тиш-тирноғигача қуролланган корпуси тўсатдан қилган ҳужуми билан Брест Қалъасининг бир қисм жангчилари устига шундай хоинлик ва босқинчилик билан ёпирилиб келди. Бу корпус составида ўзининг дастлабки ғалабаларидан маст бўлган, Варшава кўчаларида ва Париж бульварларида «ғоз қадам» билан кеккайиб юрган 45-дивизия ҳам бор эди. Европадаги енгил ғалабалари билан завқланган фашистлар бизнинг Улуғ Ватанимиз устига ҳам ана шу кайфиятда от солдирган эди.

Гитлерчиларнинг машъум планига кўра Брест қалъаси 22 июнь куни кундуз соат 12 ларда тамомила ишғол қилиниши, унинг ҳимоячилари эса битта қўймай қириб ташланиши мўлжалланган эди.

Аммо 455-ўқчи полк жангчилари душманнинг жонжаҳди билан қилган ҳужумини мардона қайтариб турди. Кўприк устида пайдо бўлган гитлерчиларни старший сержант Лаенков, сержант Родченко ва бошқалар ертўладаги ошхонага ўрнатилган пулемётлардан ўт очиб қулатаверди.

Бунга чидай олмаган фашистлар ошхонани ўққа тутар, унга тинмай бомба ташлар эди. Аммо бетондан ишланган ертўла эса миқ этмай турарди.

Садоқатли «Максим» пулемёти тўхтовсиз ишлаб, 455-ўқчи полк жангчилари душман автоматчиларининг ўнинчи, йигирманчи, ўттизинчи атакаларини ҳам мардона даф қилиб турарди. Жангчилар отилган ўқлар-

нинг ҳисобига бормас, бир нафас бўлса-да, дам олиш тўғрисида ҳам ўйламасдилар. Фақат бир қултум сув ичиш орзуси устун келарди, холос. Муховец дарёси тўрт қадам нарида шалдираб оқиб турган бўлса ҳам, унга яқинлаб боришнинг ҳеч иложи йўқ эди. Чунки дарё бўйида автомат ва пулемётларини тўғрилаб гитлерчи газандалар туради.

Кеч кирганда Лаенков пулемёти ёнига капитан Зубачев ўрмалаб келди. У шаҳардан қамалдаги қалъага кириб олишга муваффақ бўлганди. У қалъада қўмондонлик қилишни ўз қўлига олди. Ошигич равища шароитни аниқлагач, комсомол аъзоси Лаенковга энг бақувват ва жасур жангчилардан танлаб олиб, қамал «ҳалқа»сидан ёриб ўтиш ҳақида буйруқ бериш тўғрисидаги қарорга келди. «Сизга полкнинг жанговар байроғини сақлаш вазифаси юклатилади»,— деди капитан Зубачев старший сержантга мурожаат қилиб ва полкнинг «кўз қорачигини» унга топширди.

Қоронғи тушиши билан Лаенков танлаган йигитлар бир ерга йиғилишди. Капитан уларнинг ҳар бирини қулоқлаб хайрлашаркан, муваффақият тилади.

Дастлаб кўприкдан Лаенков ўтмоқчи бўлди. Аммо сержант Родченко кўприк томонга юриши билан фашистлар қуюндай ўт очиб қолди.

«Дарё суви остидан кесиб ўтиш керак» деган қарорга келди старший сержант.

Пайт пойлаб туриб Лаенков биринчи бўлиб дарёга ўзини ташлади. Газ ниқоб орқали нафас олиб, сув остидан сузиб ўта бошлади. У қирғоққа етиб бориши билан бирдан гитлерчи-пойлоқчига дуч келиб қолди. Шу он автоматни ишга солиб душмандан қутулмоқчи бўлган эди, бироқ автомат отилмади. Сўнгра Лаенков жуда эпчиллик билан ҳаракат қилиб, қулочкашлаб фашистни қўндоқ билан бир тушириб, тил тортқизмай

қўйди. Шу фурсат ичида дарёдан яна етти киши сузаб ўтиб олди.

Бу жасур йигитлар қалъанинг шимолидаги тепаликда душман ҳалқасини ёриб ўтишга тўрт марта уриниб кўрган бўлсалар-да, лекин бунинг сира иложи бўлмади. Ниҳоят, улар қалъа харобалари остига яшириндилар. Кўп қийинчилклар тортиб, мард совет жангчилари тонгга яқин шимолий қалъага етиб келдилар. Уларни пайқаб қолган гитлерчилар автоматдан тинимсиз ўқ узарди. Ўқ «ёмғири»дан фақат уч кишигина тирик қолди.

Старший сержант Лаенков билан унинг жанговар дўстлари душманинг олов ҳалқасидан ўтиб олиш учун муттасил тўрт кечагача уриндилар. Бу вақт ичида улар олиш-тутиш жангги қилиб ўнлаб гитлерчиларни ертишлатдилар. Аммо қамалдан чиқиб кетишнинг ҳеч бир иложи бўлмади.

Ўқ-дорилар тамом бўлди. Қандай қилиб бўлса ҳам ўзимизникилар томонга етиб олиш керак эди.

Лаенков милтиқ найзаси билан чуқур қазиб қизил байроқни эҳтиёт қилиб, унинг ичига жойлаштириди. «Учта катта дараҳт бор. Таниқли жой экан», деб ўйлади у ва чуқурни тош билан кўмиб, ўзи бошқа томонга ўрмалаб кетди.

Кечга яқин душман танклари ҳужум бошлади. Ҳар томондан ёғилаётган снарядлар бош кўтартирмай қўйғанди. Ўқ чақмоқлари яшиндек унинг кўз ўнгидан ўтиб туради. Қаттиқ бир зарбдан сўнг Лаенков ҳушидан кетиб йиқилди. Бир вақтдан кейин у ҳушига келса тепасида кўк шинелининг енгига фашистлар аломати тақсан гавдаси ҳўқиздек келадиган семиз бир гитлерчи мааст-алааст тебраниб туради. Шу пайт ўзини жангда деб хаёл қилган Лаенков тирсагини ерга тираб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, тепасида бақрайиб қараб

турган газанда унинг кўкрагига гупиллатиб тепди-да, қўлидаги пистолет билан бошига туширди, у ерга йиқилиб, яна ҳушидан кетди.

Шундай қилиб, Брест қалъасининг мард ҳимоячиларидан бири — комсомол аъзоси, старший сержант Филипп Лаенков душман қўлига асир тушди. Тақдир уни жанговар йўлдан машаққатли, оғир ва уқубатли йўлларга солиб юборди.

Оч-ялангоч, оёқ яланг, кийимсиз қолган ярадор ҳарбий асиrlарни немис автоматчилари овчарка кучклар ҳимоясида жазирама тош йўлдан Бело-Подляскадаги ҳарбий асиrlар лагерига ҳайдаб кетдилар. Бу лагерь атрофи икки қават устун қоқилиб, тиканли сим билан ўралган кенг даладан иборат эди. Бу ерда ҳарбий асиrlарни очиқ ҳавода қоқ ерга ётқизиб қўйдилар. Бундай оғир шароитда энг бақувват одамларгина типик қоларди. Аммо асиrlар ичида бирорта ҳам бақувват одам қолмаган деса бўлар эди. Душман чангалидан қочишга ҳаракат қилган Лаенков бир куни мудҳиш қоронғи кечада ёлғиз бир ўзи лагердан қочишга муваффақ бўлди. Ўша куни кечаси бошқа ҳарбий асиrlар ҳам конвойларга ҳужум қилиб, тиканли симлардан ошиб ўтиб кетишга уринган бўлсалар ҳам душманнинг ёмғирдек ўқи уларнинг кўпини ёруғ дунёдан жудоқилди.

Лагердан эсон-омон қутулиб олган Лаенков узоқ йўл азобларини кўрди. Ниҳоят, чарчаб ўрмонда буталар орасида ухлаб қолди.

У тонг пайтда чеҳраси очилган ҳолда уйқудан уйғонди. Илиқ қуёш нури ва майн шабада дилга ором бахш этар, дараҳт барглари ҳам шитирлаб севинчдан чапак чалганга ўхшарди. Буталар орасида қандайдир бир қуш сайраб ўз шеригини чақираётгандай ёки Филипп Ивановичнинг ўлим лагеридан қутулиб чиққани-

ни табриклаётгандай бўлар эди. Лаенков майса ўтлар устида чалқанча ётиб, мовий осмонга кўз тутгани ҳолда Брест қалъасида қолган жанговар дўстларининг тақдирин ҳақида ўйларди. Энди у ёққа бориш қаёқда! Сарсонлик-саргардонлик, машаққатли, аччик кунлар бошланди. Нотаниш бир қишлоқдан ўтиб кетаётгандা Лаенковни полицайлар тутиб олиб карцерга ташлади, ваҳшийларча уриб қийнади ва янгидан лагерь «ҳаёти» бошланди. Ҳар бир ўтган кун азоби ойга тенг эди. Яна қамоқ лагери — Бела-Подляск, кейинчалик — Демблин шаҳри лагери...

Демблин шаҳридаги лагерда тақдир Филипп Ивановични ажойиб бир одам билан учраштириди, бу одамни у оташин ватанпарвар ва чинакам коммунист деб атади. Сергей Николаевич Гузиков лагерда душманга қарши курашувчи яширин ташкилотга раҳбарлик қиласарди. Бу ташкилот ҳарбий асирларнинг лагердан қочириш ишларини уюштиради, бошқа лагерлардаги ватанпарварлар билан алоқа боғлар, мадорсизланиб қолган кишиларга ҳар томондан мадад берарди. Лаенков шу ташкилотга кириб полк комиссари Чередниченконинг лагердан қочишига ёрдам берди — уни паровознинг кўмирхонасига яшириб қочирди. Лаенковнинг ўзи эса тиф касали билан оғриб лагердан қочолмай қолди.

Бир неча кундан кейин тиф касалидан тузалар-тузалмас лагердан қочган бўлса-да, аммо эплай олмади. Уни яна ушлаб олиб, Демблиндан Лимбург лагерига кўчирдилар, кейинчалик «қора лагерь» деб аталувчи лагерга жўнатдилар, ниҳоят, Эльзас-Лотарингиядаги шахталардан бирига олиб кетдилар. Бу лагердан ҳам икки марта қочмоқчи бўлса-да, ушланиб икки марта карцерга тушди, бошидан инсон боласи кўрмаган азоб-уқубатларни кечирди. Аммо Филипп Ивановичнинг

дushmanга қарши қаҳр-ғазаби ва қаршилик күрсатиш иродаси борган сари кучаяверди. Унинг шахтада ғазаб ва нафрат ҳислари билан ишлаганилиги ғамнок юзларидан рўй-рост кўринниб турарди. У кўмир қазийдиган машинани атайлаб тўрт марта ишдан чиқарди.

1944 йилда Совет Армияси босқинчиларни еримиздан қувиб чиқарди. Шундан кейин гитлерчилар ҳарбий асиirlар лагерини Фарбий Германия территориясига кўчира бошладилар.

Марш вақтида Филипп Иванович учинчи марта қочди. Эльзасдаги қишлоқлардан бирида усталик билан бир чуқурга тушиб беркиниб қолди. У, чуқурда пойлаб ётиб, колоннанинг охири яқинлашганда ўрнидан сапчиб турди-да, энг орқада келаётган конвойни ўртоғи Михаил билан бирга ўлдириб, унинг қуроляроғини қўлга киритди ва шу билан фашист асоратидан авадий қутулди.

Дўстлар Эльзас ўрмонларида гитлерчиларни зириттратган баҳодир француз партизанларига рўпара келдилар. Яна қўлга қурол олиб, француз ватанпарварлари билан бирликда дushman складлари ва кўпикларини портлага бошладилар.

Лаенков ҳарбий асиirlар лагерида ва карцерларда дushmanга қарши йиғилиб қолган бутун нафратини, юракдаги исёнкорлик хуружини шу ерда жиддий ишга солди. Француз партизанлари билан бирга, хусусан, жанговар дўсти Николай билан бирга жанговар операцияларда қатнашди.

Лаенков ҳар қандай тилни осонгина ўрганиб оларди. У француз тилини ҳам ўргана бошлади. У биринчи бўлиб «дўстлик», «тинчлик», «ҳаёт», «душманга ўлим!» сўзларини ўрганди. Дushman кўкрагига аёвсиз қадалган найза тўхтовсиз сайраган автомат садолари учун француз дўстлар Лаенковни яхши кўриб қолган эдилар.

«Уруш тугади, ғалаба қозондик!» деган французча сўз унинг дилидан абадий жой олганди.

Филипп Иванович Лаенков Франциянинг пойтахти Парижда, Нанси, Клермон-Ферранеда ва Меце шаҳарларида бўлди. 1945 йилнинг 9 май — Ғалаба куни — француз дўстлари — қаҳрамон партизанлар бу азамат рус солдатини ва французлар билан бирга қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашган бошқа жангчиларни ўз юртига қадрдон оғалариdek кузатиб қўйдилар.

Орадан бир ой ўтгач Филипп Иванович ўз ватанига қайтиб келди. У, муқаддас Ватан учун ўт-оловлар гирдобидан ўтди, азоб-уқубатлар чекди, саргардонлик-сарсонликни бошидан кечириб, Брестдан Эльзасга қадар йўл босди.

Гарчи бу машаққатли йўллар ҳақиқий кураш йўли ва ниҳоят, севинчли ғалаба йўли эди.

Филипп Иванович ҳозирги кунда Тошкентдаги «Водоканал» трестида оддий токаръ бўлиб ишлайди. Узоқ йиллар давомида ўзининг одатдаги севган ишидан ажралиб қолган Филипп Иванович зўр эҳтирос ва ғайрат билан ишлайди, кундалик нормани уч баравар орттириб бажариш унга одат бўлиб қолган. У ўнлаб шогирдларни ўзига ўхшаш меҳнатсевар қилиб тарбиялаб етиштириди ва етиштириб келмоқда.

Ишчилар районида «Қорақум» деб аталган осоиышта кўчадаги камтарин уй, оила, балиқ овини яхши кўрадиган ширин ўғилча — ҳаммаси оддий инсон бахти ҳисобланади.

Собиқ солдат ўша даҳшатли йилларни эслар экан, шу оддий бахтни, хушчақчақ меҳнатни, муқаддас Ватан ерини ҳеч қачон душманга бермаслик учунгина эслайди.

## ЖАСУР ҚИЗ

Брест атрофида гитлерчиларга қарши ҳаракат қилған партизанларнинг айтишларига қараганда, Шириң номли ўзбек қизи ҳам ота-онаси билан бирга қалъада бўлганлиги маълум бўлди.

Шириң ҳақидаги қисса мана бундай:

Даҳшатли ҳарбий зилзила ва тақдир бир группа украинлик партизанларни ўzlари туғилиб-ўсган ва қадрдан оромбахш ўрмон ва хаталаридан вақтинча жудо қилиб, Фарбий Белоруссия ўрмонларига олиб бориб ташлади. Белорус партизанларининг лагерлари ҳозирги кунда афсонавий тарихга эга бўлиб қолган Брест қалъасининг шарқ томонидан йигирма километрча наридаги асрий ўрмонлар ўртасига жойлашган эди. Гарчи бу партизанлар отряди Белоруссия партизанлик ҳаракатининг бош штабига итоат қиладиган бўлса-да, бу отрядда белоруслардан бошқа яна турли миллат вакиллари ҳам бор эди.

Украин партизанларидан бири ўз эсдалигида:

— Бизнинг бу отрядга келишимиз катта тантанали кунга тўғри келди,— деб ёзади ўша кунларда Белоруссия фронтининг қўшинлари душман мудофаасини яксон қилиб, Фарбга томон илгарилаб, ўз бошидан кўпгина азоб-уқубатлар кечирган Белоруссиянинг шаҳар

ва қишлоқларини бирин-кетин озод қилиб келарди. Партизанлар байрами ҳам мана шу ғалабалар шарафига бағищланган эди.

Кечки пайт партизанлар кенг ўрмон ичидаги сайдон бир жойда осмон гумбазининг чароқлаган юлдузлари остида гулхан ёқиб, дам олишарди. Белорус, украин, поляк, словак, яхудий ва ҳатто венгер қўшиқлари жарангларди. Бу жойлар учун мутлақо нотаниш бўлган ўзбек қўшиғи ҳам эшитилиб қолди. Шу нарса ажабларни эдики, бу қўшиқни Ўзбекистондан Белоруссиянинг ўрмонларигача узоқ йўл босиб келган солдат эмас, хушовоз, нозиккина бир қиз куйларди.

— Бу Ширин-ку! Комсомол ташкилотчимиз,— дейиши белорус партизанларидан бири.— Эртага отряднинг комсомол йиғилиши бўлади. Келсаларинг унинг қандай гапиришини, нотиқлигини, ташкилотчилигини кўриб, ҳавасларинг келади.

Эртасига биз, қардош украин вакиллари комсомол йиғилишига келдик. Йиғилишни ўн етти ёшлардаги бир қиз бошқарарди: бу — кечаги қўшиқ айтган қиз бўлиб, эгнида погонсиз гимнастёрка, унинг устидан камар билан маҳкам танғиб олганди. Қора қошлари устигача тушиб турган пилоткаси ўзига жуда ярашган. У баланд овоз билан гапирмаса ҳам, аммо унинг сўзларини дикқат билан эшитишга ҳаракат қиласардик.

— Унинг моҳир разведкачи эканлигини, нишонга тўғри отишини, отда юришини бир кўрсангиз эди,— деб шивирлади аллаким.

Қўлида автомат ушлаган йигитнинг қиздан қўзини уза олмай сўзлашидан унда ўз комсомол ташкилотчиларидан фаҳрланиш туйғулари сезилиб турарди.

Шу куни биз Шириннинг бошидан кўп нарсалар кечганини билиб олдик.

У серқуёш Ўзбекистонда туғилган. Урушдан бир оз

олдин Брестга ўз онаси билан келган экан. Чунки, отаси шу ерда ҳарбий қисмда ишларкан. Брест қалъаси гарнizonи портлашлар ва аллангалардан ларзага келган бир пайтда отаси қалъа мудофааси вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлибди. Онаси ҳам душман калхатлари осмондан ёғдириб турган бомбалар остида қолиб кетибди. Шундай қилиб, ўн тўрт ёшли қиз душман эгаллаб олган территорияда қолиб кетибди. Сўнгра урушгача ўз уйини бериб турган хотин Ширинни Брест яқинидаги ўз синглисенинига обориб қўйибди.

Ширин у ерда рўзгор ишларига қарашиб юрса-да, лекин ич-ичидан аламзада бўлиб фашистлардан ўчилиш йўлларини қидирар эди. У кўп уринди, ҳаракат қилди, ниҳоят, халқ қасоскорлари билан алоқа боғлашга муваффақ бўлди. Шундан кейин бир неча марта қийин ва хатарли топшириқларни адo этгач, партизанлар олдида ишончни оқлади. Шу кундан бошлаб бу қизнинг шарафли йўли бошланди. Партизанлар жойлашган ўрмонга кириб, уларнинг базасини қидиришга уринган полициячиларни отиб ташлашда, фашистлар жойлашган ерларга разведкага бориб, қимматли маълумотлар олиб келишда, яширин ташкилот учун дори-дармонлар то-пишда ажойиб мардлик намуналарини кўрсатди. Жасурлиги билан партизанларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

... 1942 йил баҳорида дори-дармон ва бинт этишмай қолди. Нима қилиш керак? Кимга мурожаат этиш лозим? Бу соҳада ёрдам берган ҳар бир кишини фашистлар сўзсиз отиб ташлайди ёки гестапода қийноққа солади-ку! Шундай бўлишига қарамай, Ширин бу хавфли вазифани ўз зиммасига олди. У душман босиб олган Брест шаҳрига яширинча бориб, собиқ қўшниси кекса врачдан дори-дармонларни ўз вақтида олиб келди...

Кунлардан бир кун яна шундай нозик ва мураккаб

топшириқни бажариб юрган Ширин кекса врач билан шаҳар бозоридан чиқиб келаётганида, полициячилар облава бошлагандилар. Белорус халқи орасидан чиққан баъзи сотқин полициячилар ёшларни ушлаб меҳнат биржасига юборар эдилар. У ердан эса уларни узоқ Германияга, фашистлар каторгасига ҳайдардилар. Мана шундай хавф-хатарли дақиқа облавадан қутулиш учун ҳеч бир умид йўқ эди, аммо Шириннинг фавқулодда фаросати бунда ҳам яна иш бериб қолди.

— Кўкракка тақиб юрадиган тўғаракчани менга тез беринг (гитлерчилар оккупация қилган территориядаги еврейлар кўкракларига, орқаларига тўқ сариқ ва қизил латтадан қилинган тўғарак белги тақиб юрадилар) ва менга еврей тилида бирор нарса деб сўзланг,— деди Ширин ўз ҳамроҳига. Кекса врач унга еврей тилида сўзлай бошлади, Ширин ҳам унга ўзбек тилида бир нималар деб жавоб берди. Улар шундай «қуюқ суҳбатлашиб» қора шинель кийган иккита полициячи олдига яқинлашиб қолдилар.

— Тўхта, ҳужжат кўрсат!— деб ўшқирди полициячилардан бири уларга қараб.

— Кўрмаяпсанми, булар еврейлар-ку,— деди иккичи полициячи шеригига қараб.— Қара, улар ўз тилларида алланима балолар дейишияпти, тушуниб ҳам бўлмайди. Майли, биз уларни тез кунда борса келмасга жўнатамиш!

Бу сўзларни улар орқада қолиб кетган полициячиларнинг оғзидан эшитган эдилар.

Партизанлар дори-дармонни белгиланган муддатда олдилар. Турли миллатга мансуб бўлган халқ қасосчиларидан кўпининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ширин партизанларга дори-дармон топиб келишдан ташқари, жангларда ярадор бўлган халқ қасосчиларининг жонига аро кириб, уларга дори ичказар, яралари-

ни бинт билан боғлаб қўяр, оғир ярадорларни эса овқатлантирар, махорка чектирар, ювинтирарди.

Бир куни Ширин маҳсус топшириқ билан яқиндаги бир қишлоққа жўнади. Энг охирги партизан заставасидаги дўстлари билан хайрлашиб, якка ўзи йўлга чиқди. Анчагина йўл босган эдики, кутилмагандан ўрмонга қандайдир йўллар билан кириб қолган иккита барзангисимон полициячи Ширинни ушлаб олди. Душманлар Ширинни маҳкам ушлаган бўлсалар-да, лекин у эпчил бир ҳаракат қилиб, уларнинг қўлидан сирғалиб чиқиб қочди. Қизнинг бу қадар чаққонлигига ҳайрон қолган полициячиларнинг қўлида Шириннинг қизил ип билан тиқилган камзули қолди, холос. Орадан бир оз вақт ўтгач, бу полициячилар юзларидаги ҳайронлик ифодасини абадий сақлаган ҳолда, ўрмон ичидаги майдонда қорақонга беланиб ётардилар.

Ҳозир Олмаота шаҳридаги 2-ўрта мактабда ўқитувчилик қилаётган, Шкорс номидаги партизанлар отрядининг собиқ командири Олег Рутковский партизан қиз Шириннинг жасорати ҳақидаги ўз эсадалгида қўйидаги оташин сўзларни ёзган:

— Бизлар албатта Брестга боришимиз керак. Лекин қандай қилиб борсак экан? — белорус партизанлари отрядининг командирига мурожаат қилдик биз. У бизнинг бу саволимизга жавобан бундай деди:

— Бориш жуда осону, аммо бизнинг самолётларимиз ҳар куни кечаси Брестдаги душман истеҳкомларини, омборларини, казармаларини бомбардимон қилиб турибди-да. Немислар кечқурунлари шаҳар атрофидаги қишлоқларга чиқиб кетмоқдалар. Агар бормоқчи бўлсаларинг, сизларни фақат Ширингина бошлаб бора олади. Чунки у шаҳарга борадиган ҳамма йўлларни, хилват кўчаларни яхши билади.

Кечқурун биз, украин партизанлари Ширин билан

бирга Брест бўсағаларидағи бутазорлар ичига етиб бордик. Шаҳар томондан қаторлашиб душманинг авто-колонналари келар ва қоронги тун қўйнида кўздан ғойиб бўларди.

— Тезроқ, тезроқ юринглар,— деди Ширин ва ўзи тез юриб олдинга қараб кетди. Биз унинг кетидан измайиз борардик. Ярим соатдан кейин Брестга етиб бордик. Биз олдинга қараб кетаётган бўлсак-да, аммо худди орқага қайтаётгандек эдик, чунки Ширин бизни ўзига таниш хилват, эгри-буғри кўчалардан бошлаб борарди.

Шаҳарга киришимиз биланоқ шарқ томондан келаётган самолётларнинг гувиллаган овозини эшишиб қолдик. Бу овозлар борган сари кучайиб, яқинлашиб кела-верди. Самолётлар Брест бўсағаларига яқинлашиши билан зениткалардан отилган снарядлар гумбурлай бошлади, олдинги самолётлар шаҳар тепасига келиб ёруғлантирувчи ракеталар ташлаб, тун қўйнига чўм-ган шаҳарни чароғон қилиб юборди, шаҳардаги ҳамма объектлар тепадан яққол кўриниб тургани учун ҳам самолётлардан ташланган бомбалар тўғри мўлжалга тушиб портларди. Портлашлар натижасида зенит тўпласининг ҳам уни ўчди. Душман истеҳкомлари вайрон бўлар, омборлар аланга олиб ёнарди. Биз совет учувчила-рининг мерғанлигига қойил қолиб пана жойда беркиниб турардик.

Шу пайт Ширин баланд овоз билан:

— Қани, тезроқ юринглар, немислар ин-ининг кириб кетди,— деб қичқирди.— Биз ҳамон Ширин кетаётган йўлдан тез-тез қадам ташлаб борардик.

Тонгга яқин биз Брестдан қайтиб чиқдик. Ширин ҳа-мон олдинда борарди. Кундуз соат бирлар деганда пар-тизанлар лагерига эсон-омон қайтиб келдик.

Эртасига бизнинг группамиз белоруссиялик жайго-вар дўстлари билан хайрлашиб, Украинадаги ўз отряди-

га қайтиб кетди. Қайтиб келаётганимизда бу жасур ўзбек қизи Шириннинг фамилиясини билиб олмаганимизга жуда афсусландик.

Бу воқеанинг бўлиб ўтганига роса йигирма йил бўлди. Шириннинг фамилиясини билмасак ҳам, унинг ҳақида ёзишга қарор қилдик. Бу лавҳани ўқиган Шириннинг қариндош уруғлари, таниш-билишлари бизга Брест қалъаси ҳимоячисининг қизи, белорус партизан отряди комсомол ташкилотининг секретари Шириннинг урушдан кейинги тақдиди, ҳозир қаерда ва қандай иш билан шуғулланаётгани ҳақида хабар қилишар деган умиддамиз.

## **СҮНГГИ МАКТУБ**

1939 йили мажбурий ҳарбий таълимни ўташ учун армия сафиға чақирилган Ҳабибулла Абдуллаев фашист босқинчилар уруш бошлашдан бир ҳафта илгари меҳрибон ота-онасиға, севимли укалари ва сингилларига юборган мактубида қўйидагиларни ёзган эди:

«Соғинчли салом!

Ушбу саломим етиб маълум бўлсинким, кўздан узоқ, кўнгилга яқин ҳурматли адамга, меҳрибон онамга, Ҳуринисо опамга, Ҳикматилла, Исматилла, Неъматилла ва Қудратилла укаларимга, қариндош-уругларга ва маҳалладаги ўртоқларимга кўпдан-кўп салом!

Саломдан сўнг ўзимнинг Брест шаҳрида сиҳат-саломат юрганимни, ҳарбий хизматни яхши ўтайдиганимни билдираман.

Ўтган галги хатимда младший командирлар тайёр-лайдиган полк мактабини битириб, старший сержант увонини олганимни ёзган эдим. Ҳозир мен Брест қалъасида ўқчи полкнинг биттасида взвод командирига ёрдамчи бўлиб хизмат қилмоқдаман.

Ойижон, адажон, мана энди сизларнинг олдилари нгизга командир бўлиб бораман. Менинг баҳтимга соғ ва саломат бўлинглар.

Ҳаммаларингизга гўзал Брест шаҳридан, командир

ўғлингиз Ҳабибулладан яна салом. Брест, 16 июнь, 1941 йил».

Меҳрибон ота-онага йўлланган хат, Ҳабибулланинг сўнгги мактуби эди. Ота-она ва укалари йўллаган жавоб мактуби унинг қўлига етиб бордими, йўқми, буниси бизга қоронғи.

Душман энг биринчи зарбани Брест қалъасига урди. Чунки, Брест қалъаси жонажон Ватанимизнинг ғарбий чегарасидаги мустаҳкам қўргон эди.

Эҳтимол меҳрибон ота-онанинг мактуби Ҳабибулла-га етиб боргандиру, аммо у жангдан қўли тегмай жавоб ёза олмагандир. Ёзган бўлса ҳам қалъа қамалда қолганидан жўнатолмай гимнастёркасининг чўнтағида қолиб кетгандир ва ё бўлмаса душман билан бўлган даҳшатли жангларда, ўт-оловлар ичидаги куйиб кул бўлгандир.

Гарчи хатдан из қолмаган бўлса-да, аммо Улуғ Октябрь революцияси билан тенгдош бўлиб, 1917 йил кулагида, Тошкентнинг Вилоят кўчасида туғилган Ҳабибулланинг номи Улуғ Ватан уруши тарихи саҳифалари-га Брест қаҳрамонлари қатори олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолди.

## **НОМАЪЛУМ ТРУБАЧИ ҲАҚИДА**

(С. Смирновдан)

1941 йил 22 июнь тонги, тарихда мисли кўрилмаган жангнинг дастлабки тўп садолари уйқуда ётган Брест қалъаси устида янграганда 44-ўқчи полк казармаларининг харобалари остида музикачилар взводи жангчиларидан бири тириклай кўмилиб қолди.

Бу жангчи харобалар остида мажақланиб кетмасдан, балки тириклай шу ерда қолиб кетган, душманинг кучли ўт очиши натижасида жангчини харобалар остидан ковлаб чиқаришнинг имкони бўлмаган эди.

Шу вақт унинг харобалар яқинида яшириниб ётган ўртоқлари, солдатлар харобалардаги тошлар остидан полк трубаси-карнайининг янграган овозини эшитиб қолладилар. Портлаган бомбаларнинг кучли садоси остида жангчиларга таниш бўлган:

Бу бизнинг энг охирги  
Ҳам кескин зўр кураш...—

барала эшитилиб турарди.

Ер остидан чиқсан қўшиқни эшитган одамларнинг айтишларига қараганда, бу қўшиқда на қайфу оҳангси сезилар ва на ҳаёт билан видолашибнинг аламли фарёди бор эди. Бу садо жангта қилинган даъват сингари

трубачининг бир сафда туриб қурол ушлаган дўстлари-га қарата йўллаган энг сўнгги мардонавор саломи си-нгари янграрди. Бу харобалар устига яна снарядлар, бомбалар тушиб портлагунга қадар труба овози такрор-такрор янграб турди.

Брест қалъасининг номаълум трубачиси ким эди? Биз уни билмаймиз ва эҳтимол, ҳеч қачон билмасмиз ҳам.

Биз у билан бир авлоднинг, оғир ва шон-шуҳратли бир даврнинг фарзандларимиз. Биз ўтган замонларга, революция ва гражданлар урушининг қаҳрамонона кунларига зўр ҳавас билан қараб келдик ва шу қаторда яқинлашиб келаётган хавфнинг сояси билан қопланган келгуси кунларга ҳам ҳаяжон билан қараб келдик. Ўша вақтда биз ўз гимнимизни бир оз бошқачароқ, яъни:

Бу бўлур энг охирги  
Ва кескин зўр кураш,—

деб куйлаган эдик.

Биз бу урушнинг муқаррарлигини ва уни четлаб ўтиш мумкин эмаслигини билганимиз ҳолда, энг сўнгги уруш эканлигига ҳам ишончимиз комил эди.

Трубачи полк кўригига, парадларда, тантанали кечаларда ўйнарди ва труба ҳам унинг нафаси билан ма-на шу ҳаяжонли, ватанпарварлик бурчига тўла;

Бу бўлур энг охирги...

сўзини равшан ифодалаб берарди.

Мана шу жанг бошланди ва трубачи шу жангда биринчилар қаторида ҳалок бўлди. Трубачи тошдан ясалган қабр ичидан туриб энг охирги марта ўлароқ гим-

нимизни ўйнаган вақтда, трубанинг оҳанги илгариғи сўзлардан бошқачароқ бўлган:

Бу бизнинг энг охирги...

сўзларини ўзи билан бирга олиб кетган эди.

Трубанинг мана шу оҳанги қалъанинг тошлари остида кўмилиб қолмади. Бу оҳангга бутун мамлакат жўр бўлди. Мана шу кунда бепоён мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида ғазабланган кишилар, митингларга тўпланиб:

Бу бўлур бизнинг энг охирги...

сўзини куйладилар.

Шундан сўнг биз буни Москва остоналарида, Волгада, Бугда ва Днепрда, Дунай бўйларида ва Шпрееда, партизанлар билан тўлган ўрмонларда, фашистларнинг ажал лагерларида куйладик. Биз буни хотирамизда абадий сақланган ғалабамиз кунида куйладик ва шодлигимиздан ақлдан озган кишилар сингари қўлимиизда ортиб қолган ўқларимизни мусаффо мовий осмонга қарата отганимиз ҳолда, бу ўқларнинг бундан буён одамларни қириш учун керак бўлмаслигига ишонган эдик.

Ииллар кетидан йиллар ўтди. Қалъанинг харобалари устидан ўтлар ўсиб чиқди. Янги шаҳарлар, қишлоқлар, заводлар қад кўтарди, биринчи ракета кемалари планетамиздан ташқарига парвоз қилди. Одамлар белни маҳкам боғлаб ўзларининг хўжаликларини қатъият билан қайта қурмоқдалар, янги авлод эса ҳаётни ўз қўлига олмоқда.

Инсоннинг ақл-идроқи, юраги, тажрибаси ва маслаги янги урушларга йўл бермайди. Ҳозирги вақтда замонлар бошқача, жаҳондаги кучлар нисбати ҳам бошқа бўлиб қолган.

Жаҳон курашмоқда, жаҳон енгмоқда ва албатта енгажак. Бутун дунё ғалаба қозонган мана шу кунда ҳаётимииздан бус-бутун чиқариб ташланган урушнинг темир бўғинлари мартен печларда эритилиб тинч металлга айланган кезларда, одамлар эҳтимол, ҳаммадан бурун тинчлик учун ўз жонини аямаган қаҳрамонларга ҳайкаллар ўрнатар. Шунда Брест қалъасининг харобалари устига ҳам номаълум трубачи учун ҳайкал ўрнатилар. Бу ҳайкалда тасвирланган ёш йигитнинг мармар фигураси ўзининг кенг елкалари билан тошдан ясалган оғир гумбазга суюниб, юқорига кўтарилган қўлидаги трубани лабларига қўйган ҳолда туради.

Мана шундай ифодаланган куч жангчининг қаддиқоматига мос келади, унинг юзи ҳам шу хилда бўлиб, унга назар ташлаган ҳар бир киши трубачининг чалаётганини дарҳол пайқаб олади. Шу ҳайкални ишлаган рассом бизга таниш бўлган сўзни олиб келган таниш оҳангни санъат кучи билан томошабин қулофи остида жаранглашга мажбур қиласиди. Аммо бу сўз энди бошқача, яъни:

Бу энг охирги эди...

бўлади.

Қурбон бўлган миллионлаб кишилар ҳаётининг ҳақ-ҳурмати, тўкилган қонларнинг ҳақ-ҳурмати, бошдан кечирилган азоб-уқубат ва кулфатлар ҳурмати учун, ўтмиш ҳамда келажак ҳурмати учун албатта шундай бўлажак!

## **БУГ ДАРЁСИ БҮЙИДА**

Буг дарёси бўйидаги қалъа гарнizonининг ўлмас шон-шуҳрати ва қаҳрамонлиги эркесвар инсоният қалбida мангу яшайди. Брест қалъасининг қаҳрамон мудофаачилари сафида уйғур халқининг азамат фарзандлари ҳам бўлган эди.

Maқсud Ниёзов Совет Армияси сафига чақирилгунга қадар, Олмаота обlastининг Қазах районидаги Содир Энбекши қишлоғида яшарди. Maқsud Ниёзов армия сафида хизмат қилиб юрганда (1940 йил бошларида) жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси бўлгани учун ҳам уни Брест қалъасига жойлашган полк мактабига юборилди. Полк мактабида Maқsud ғайрат билан ўқиди. Уни яхши ва аъло даражада тамомлаб, младший сержант унвонига эга бўлди. Қалъанинг шарқи-жанубий қисмида жойлашган 44-ўқчи полкнинг взводларидан бирига, взвод командирининг ёрдамчиси қилиб тайинланди.

... 1941 йилнинг 21 июнь куни кечқурун батальон командири старший лейтенант Коледа Ниёзовнинг ёнига келиб:

— Ротани саф қилиб, кинога олиб бориш керак,— деб буйруқ берди.

— Хўп бўлади, ротани кинога олиб бораман!— деди Ниёзов.

Ниёзов кинони томоша қилиб, қайтиб келгач, ўз қаравоти ёнидаги тумбочка устида турган хатга кўзи тушди. Хат онаси ва укаси Боситдан келган эди. Улар хатда: «Мақсуд, биз сенинг командир бўлганингни эшитиб, хурсанд бўлдик. Бизгина эмас, бутун маҳалла-кўй, қавму қариндош ва ёр-биродарларинг ҳам эшитиб жуда хурсанд бўлишди. Биздан ҳеч хавотир бўлма, турмушимиз илгаригидан ҳам яхши. Ўз хизматингни яхшилаб бажариб, доимо соғ юришингизни истаймиз...»

Ярим кечада қалъани бомбалар ва снарядлар ларзага келтирди.

— Қуролланингиз!— взводга буйруқ берди Ниёзов.

Юзга яқин жангчилар қалъа деворлари остидан дарҳол окоп қазиб олдилар. Уларга бошқа рота ва батальон жангчилари ҳам келиб қўшилди.

Тонг отар пайтида қалъа ҳимоячилари устига душман танклари ҳамла қилиб кела бошлади. Танклар кетидан пиёда аскарлар келарди. Ниёзов жангчиларни ўрни-ўрнига қўйиб, сўнгра пулемёт расчёти турган томонга кетди.

— Менинг буйруғимсиз отмангиз,— деди у пулемётчиларга,— душманни яқин келтириш керак.

Йўлнинг муюлишидан душманнинг тўрт бронетранспортёри ва пиёда аскарлари кўринди. Душман совет жангчилари турган ерга борган сари яқинлашиб келарди.

— Ўт очингиз!— янгроқ овоз билан буйруқ берди Ниёзов.

Фашистлар ўртасида парокандалик бошланди. Очилган кучли ўт фашистларнинг гуриллаб келаётган машиналарини тўхтатиб қўйди. Гитлерчилар ўз машиналари-

ни орқага қараб бурди. Фашистларнинг биринчи атакаси қайтарилиди. Мана шу жангда Мақсуд Ниёзов душманнинг икки машинасини ишдан чиқарди.

Уруш бошланган биринчи кундаги жанг ниҳоятда қизғин ва қирғинли бўлди, иккинчи ва учинчи кунлар ҳам қизғин жанглар билан ўтди. Қалъа ҳамма томондан қуршаб олинган эди. Душман баъзи жойларда мудофаани ёриб ўтиш ва қисмлар ўртасидаги алоқани узуб қўйишга эришди. Бу ҳол қисмларни бошқариш ишини жуда ҳам оғирлаштириб қўйди.

23 июнь куни душман артиллерияси қалъани тўпга тутиб, осмондан бомбардимон қилди.

24 июнь кечқурун батальон штабининг бошлиғи майор Сичкар Ниёзов ёнига келиб:

— Бизлар қуршовда қолдик. Алоқа узилган. Қуршовдан ҳаммамиз бирдан чиқиб кетолмаймиз, шунинг учун уч-тўрттадан бўлиб чиқиб олишимиз керак. Сиз ёнингизга икки жангчини олиб биринчи бўлиб қуршовдан чиқишингиз керак,— деди.

Мақсуд кечаси жанговар дўстлари билан бирга қалъа деворлари остидан эмаклаб юриб дараҳтзор томонга ўта бошлади.

... Жангчилар йўлсиз, ўрмонлар ичидан шарққа томон бир ойга яқин йўл юриб, не мاشаққатлар билан қуршовдан чиқиб олдилар ва душман билан жанг олиб бораётган қисмларимиз сафига келиб қўшилдилар. Мақсуд Орёл ва Курскда бўлган жангларда ботирларча курашди. «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди. У қизғин жанглар вақтида икки марта ярадор бўлди. Мақсуд Брест қалъасида бўлган жангларни, Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлган жанговар дўстларини ҳеч қачон унутмайди.

Мақсуд Ниёзов ҳозир Олмаота областидаги «Қизил Файрат» номли саккиз йиллик мактабда ўқитувчилик

қилмоқда. У яқинда «Халқ маорифи аълочиси» значоги билан мукофотланди. Ниёзов ёш авлодни коммунистик жамиятнинг муносиб кишилари қилиб етиштришдек улуғ ва масъулиятли ишда ҳам фидокорона мөхнат қилмоқда.

## ЎҚИТУВЧИННИГ ҲИКОЯСИ

Баҳор ўтиб, ёз ойлари бошланган кунлар эди. Чегара атрофидаги ўрмонлардан кеча-кундуз булбулларнинг овози тинмасди. Одамлар тинч, осойишта ҳаёт кечирар, bemalol ишлаб, ширин орзулар оғушида яшарди.

Аммо бу вақт Буг дарёсининг нарёғида гитлерчилар совет мамлакатимизнинг «яшин тезлигига» босиб олиш режаларини тузарди. Улар ўз ҳарбий машиналарини чегара яқинига келтириб, Брест шаҳри ва қалъа атрофига армия, корпус ва кўпгина артиллериясини тўплаган эди. Шунингдек уларнинг 1250 ва 2200 килограмм оғирликда снаряд отадиган ниҳоятда кучли «Тор» системасидаги тўплари ҳам шу ерга ташланган эди. Икки йиллик ҳозирги замон урушида катта тажриба орттирган бу армияга қарши Брестда ва қалъада бизнинг икки ўқчи дивизиямиз, чегарада эса 17-Қизил байроқли чегара отрядимиз турарди. Гарнizonнинг кўпгина бўлинмалари эса ҳарбий иншоотлар қурилишида, ёзги лагерь ва машқ майдонларида банд эди.

Дам олиш куни арафаси. Шаҳар байрам либосига бурканган.

Шу куни мен ҳам ўртоқларим билан шаҳар айландим.. Фотографдан фотокарточкамни олдим. Соат ўн бирларгача казармада ўтириб уйга ва ўртоқларимга

хат ёзиб, почта яшигига ташладим-да, ўрнимга келиб ётдим. Негадир, ухлай олмадим. Қулоғимга: «Душман босиб келяпти, қўлингга қурол ол!» деган садо киргандай бўлди. Шу куни то саҳар пайтигача бедор ётдим. Ўрнимдан туриб, ўзимча касал бўлдим шекилли деб ўйладим. Ташқарига чиқдим, бирдан шаҳарнинг ғарбий томонидан, Буг дарёсининг нариги юзидан моторларнинг қаттиқ гулдуроси эшитила бошлади. Хавотирланиб югуриб казарма ичига кирдим, воқеани ўртоқларимга айтсам, улар: «Ётиб ухла, халақит берма, чегарада тактика машқи бўляпти» дейишди.

Устки кийимларимни ечиб, бошимни энди ёстиққа қўйган эдим, кучли чинқириқ эшитилди. Кетидан кучли портлаш бошланиб ер силкиниб, уч қаватли бинолар бирин-кетин қулай бошлади. Сон-саноқсиз бомбалар портлар эди. Мен энг пастки қаватнинг бурчагида ётар эдим. Бирдан дераза очилиб кетди. Мен танклар турадиган томон чопдим. Осмондан самолётлар ўқ узарди. Казармадан эса солдатлар ички кийимда қочиб чиқа бошлади, улардан баъзилари югуриб кетаётib гуппа-гуппа йиқиларди.

Бу даҳшатли манзарани тасвиrlашга тил ожизлик қилади.

Паркда турган танклар устига мисоли дўлдай бомба ёғилиб, кўп танк ва машиналарни ишдан чиқарди. Ишга ярайдиган танк ва машиналар ҳам бузуқлари орасида қолиб кетди. Танкларнинг кўпи эса казарма остида қолиб, мажақланиб кетди. Мен тирик қолган ўртоқларим билан бир амаллаб уч танкни чиқариб олдим. Сўнгра ҳеч қандай командасиниз Буг дарёси ёқасида ўзимиз учун олдиндан тайёрлаб қўйилган дотга бордик. Уч танкка ҳам мен ўзим команда бердим. Ким нима иш қилишини билмас, ҳамма довдираб қолган эди. Бизнинг ўт очиш позициямиз Буг дарёси ўзани бўйидаги давлат

чегарасидаги бир баландликка жойлашган эди. Ўртадан дарё оқарди. Фарбий қирғоқ душманларнинг, шарқий қирғоқ бизларнинг чегарамиз эди. Биз турган тепаликнинг шимолидан кўприк орқали немислар чегарасига ўтилар, йўлнинг шу томонида чегара вишкада кузатувчи чегарачилар туради. Биз чегарамизнинг хавфсиз-литини таъминлаш учун дот ва дзотларни бундан бир йил олдин тайёрлаб қўйган эдик. Танклар ва артиллериya учун ҳам белгиланган жойлар бор эди. Агар душман ўз чегарасидан биз томонга юриш қиласидиган бўлса Бугдарёси устига қурилган кўприкка келгунча унинг қоқ пешанасидан ва икки биқинидан ўт очадиган дотларимиз бор эди.

Аммо душман маккорлик қилди. У қўққисдан бостириб кириб, барча турдаги ҳарбий қуролларини ишга солди, айни тонг пайти ҳаммаёқни бомбардимон қилганда кўпгина кишиларимиз ҳалок бўлди. Биз тирик қолган кучларимиз билан душманга қарши мардона туриш бердик. Вазият оғир бўлишига қарамай, мен ўзимни йўқотиб қўймадим, кўп қийинчиликлар билан танкларни ўз вақтида етарли снаряд ва ўқлар билан таъминлаб қўйдим. Уч танкда ўн кишигина эдик. Гитлерчилар бутун йўлни тўлдириб, музика остида тантана билан чегарамизга бостириб кела бошлади.

Биз эса пойлаб ётавердик.

Душман кўприкка яқинлашиши билан уч танкдан бараварига ўт очдик. Шу вақт чегарачиларимиз ҳам ўт очиб юбордилар. Душман чегарамизга бир неча марта бостириб кирган бўлса-да, лекин уни ҳар сафар даф қиласивердик. У тобора қутуриб янги куч ташлаб дарёдан ўтиш пайдан бўлди, биз ҳам бўш келмадик. Душманнинг колонна бўлиб келаётган тўп-тўп машиналарини ёндириб юбордик. У биринчи бостириб киришдаёқ икки

юздан ортиқ автомашинасидан, ҳар хил техникасидан айрилди, қанчадан-қанча солдат ва офицерларидан жудо бўлди. Ўша топда бизга бас келадиган куч йўқ деса бўлар эди. Чунки биз баландликда қурилган дот ичига танкларимиз билан мустаҳкам жойлашиб олган эдик. Агар шу аҳволда бизга вақтида ўқ-дори етказиб бериб турилса ва алоқа узилиб қолмаса, душманни чегарамиздан ўтказмасликка, унинг дабдаласини чиқаришга доим тайёр турардик. Баттол душман кўприкдан ўтишга ҳар қанча уринса ҳам барibir кетма-кет талафот кўраверди.

Ниҳоят биз дарё кўпригини портлатиб юбордик. Шундан кейин душман танклари очиқ жойда қолиб кетди. Шу фурсатдан фойдаланиб, душманнинг кўпдан-кўп солдат ва офицерларини қириб тутдек тўқдик. Кўприкнинг нарёғида душманнинг ўликлари қалашиб ётарди. Булар орасида енгиз қора барра пўстин кийган тўрт генерал ҳам узала тушиб ётарди.

Бизнинг турган еримиз душманга икки юз эллик метрча келарди. Аммо бизга ҳеч қаердан мадад йўқ. ҳеч бир қисм билан алоқамиз йўқ эди. Бунинг устига снаряд ва ўқларимиз ҳам тугай деб қолган, озиқ-овқатимиз ҳам соб бўлган эди. Чегарачилар ихтиёрида ҳам ҳеч нарса қолмаганди.

Шу вақт душманнинг орқа томонидан янги кучлар ёпирилиб келиб, бутун фронт бўйлаб дарёдан ўта бошлиди. Бизлар жуда мушкул аҳволга тушиб қолдик. Дотнинг деворларига: «Совет солдати орқага қайтмайди!», «Душман билан охирги нафасимиз қолгунча курашамиз!», «Душманнинг чегарамиздан ўтишига ҳеч йўл қўймаймиз!» деб ёзиб ташладик.

Душман эса ўлар-тириларига қарамай ҳамон бостириб келмоқда эди. Шунда мен ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят, орқага чекинишга буйруқ бердим. Аммо шу вақт душман-

нинг бир неча танки биз томонга қараб бостириб кела-верди. Биз тепалик сиртидаги пастликка ўтиб олиб, йўл-га тушиб, анча юрганимиздан сўнг, тўсатдан командир-паримиздан бирини учратиб қолдик. Мен унга бўлган воқеани батафсил гапириб бердим. У, шаҳар атрофида бир неча танк турганини ва тездан бориб ўшаларга қў-шилиш тўғрисида буйруқ берди.

Ҳамма ёқ ўт-олов ва қора дуд ичидаги қолган эди. Биз пистирмада турган жой ёқасидаги йўлдан жуда кўп сдамлар ўта бошлади. Булар Брест аҳолиси эди. Мен танкчилар билан қисқа суҳбат ўтказиб, уларга вазифани тўлиқ тушунтирдим. Сўнгра, хилват бир жойни топиб, ўша ерда танкларни яхшилаб никоблаб турдик.

Орадан кўп вақт ўтмай узоқдан душман машиналари кўриниб қолди. Машиналар колоннаси бирдан тўхтади. Шу он биз уларга қаратса қаттиқ ўт очдик. Душманнинг ўқ-дори ортилган машиналари олов ичидаги қолди, гитлерчилардан эса бир неча юз киши ҳалок бўлди. Аммо душман, талафот кўришига қарамай, чумолидай ёпирилиб келаверди. Биз бўлсак душман кучларига қарши кураша-кураша Брезина дарёси томон йўл олдик. Йўлда бир танкимиз ҳаводан бўлган бомбардимон на-тижасида куйиб кетиб, танк ичидаги жанговар дўстла-римиз ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Чекиниш вақтидаги шиддатли жанглардан сўнг снаряд ва ўқларимиз ҳамда ёқилғимиз тамом бўлди. Танкларимиз ишдан чиқди. Душман қўлига тушмаслиги учун танкларни портлатиб ташлашга мажбур бўлдик. Ниҳоят Брезина дарёсига ҳам етиб келдик. Душман эса икки ёқдан бостириб келмоқда эди. Дарё кўприги ёндириб юборилганди. Дарё ёқасига эса беш юз кишича тўпланиб қолдик, дарёдан ўтишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Сузиб ўтаман деб кўп солдатлар чўкиб кетди. Чунки дарёнинг эни саккиз юз метрдан ортиқ эди. Шу он қўлида қуроли бор бир юз

Эллик кишини элликтадан уч группага бўлиб рота ташкил қилдик. Взводларнинг бирига мен командирлик қилдим.

Душманнинг бир группа солдати дарё яқинидаги тепаликдан туриб бизни ўққа тутиб қолди. Аммо биз чаққонлик билан ҳаракат қилиб, тепалик ёнбағрига беркиниб ўқ уза бошладик. Ўн беш кишидан иборат граната отувчилар тепаликдаги чуқурга жойлашиб олган гитлерчиларга усталик билан яқинлашиб бориб, граната улоқтира бошлади. Натижада тепаликдаги фашистлар ҳаммаси қириб ташланди. Биз ҳам анчагина талафот кўрдик. Кўпгина жанговар дўстларимиз тепалик атрофига ҳалок бўлди.

Мен бир неча қуролдош дўстларим билан Брянск шаҳрига етиб келдим. У ерда даставвал артиллерия дивизионида хизмат қилдим, уруш тамом бўлгунга қадар эса взвод командири бўлиб ишладим.

\* \* \*

Бу жанговар лавҳаларни ҳикоя қилган. Брест жангларининг қаҳрамони, собиқ танкчи Аҳмад Фафуров ҳозир Самарқанд область, Пастдарғом район, Калинин қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхоз мактабида ўқитувчи бўлиб ишламоқда. У ўз педагоглик ишида ҳам жанговар традицияни давом эттириб, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда фидокорона хизмат қилмоқда.

## МУНДАРИЖА

Үнүтилмас хотиралар . . . . .	3
Урушнинг дастлабки кунида . . . . .	36
Қалъадаги қаҳрамонлик . . . . .	41
Брест мудофаачиларидан бири . . . . .	51
Асло эсдан чиқармайман . . . . .	63
Шонли йўл . . . . .	67
Жасур қиз . . . . .	76
Сўнгги мактуб . . . . .	83
Номаълум трубачи ҳақида . . . . .	85
Буг ларёси бўйида . . . . .	89
Ўқитувчининг ҳикояси . . . . .	93

*На узбекском языке*

*Адҳам Раҳмат*

**БРЕСТСКИЕ ВОСПОМИНАНИЯ**

Редактор *Ж. Насриддинова*

Рассом *О. Евсеев*

Расмлар редактори *Э. Валиев*

Техн. редактор *В. Шуклинова*

Корректор *Ш. Зуҳриддинов*

Босмахонага берилди 3/III-66 й. Босишга руҳсат этилди 22/VI-66 й. Формати 70×108/<sub>32</sub>. Босма л. 3,125. Шартли босма л. 4,37. Нашр л. 4,44. Тиражи 15000. Р 11654.Faфур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 33—66.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети матбуот Давлат Комитетининг 2 қоғозга 3-босмахонасида босилди. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Заказ № 212. Баҳоси 13 т.

Ўз 2

Р 33

Раҳмат Адҳам.

Брест лавҳалари. Ўзбекистонлик жангчиларнинг Брест қалъасида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида лавҳалар. Т., Faфур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966.

100 бет. Расм. Тиражи 15000.

Рахмат А. Брестские воспоминания.

Ўз 2+9 (с) 27